БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 261 (17.841). ● 13 ноябрь 1980 йил, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тамомлади

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

12 ноябрь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Депутатлар «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Советлари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари депутат **Г. М. Орлов**нинг докладини тингладилар.

Бу масалани муҳокама қилишда депутатлардан **Ж. Ҳасанов** (158-Вулоқбоши сайлов округи), **С. Т. Тошқўлов** (97-Паркент сайлов округи), **Ю. С. Шкрябин** (192-Кармана сайлов округи), **Э. Мадраҳимов** (438-Янгиқишлоқ сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Советлари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини ҳамда уни кучга киритиш тартиби ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Г. Қ. Ҳайдарова** «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида» доклад қилди.

Сессия ўз тасдиғига тақдим этилган фармонларни бир овоздан тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Шу билан ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари бўйича 1981 йилда қуйидаги ўсиш суръатлари белгилансин:

Ўсиш (1980 йилга нисбатан процент ҳисобида).	
Ҳосил қилинган миллий даромад	4.5
Саноат маҳсулоти — ҳаммаси бўлиб	5.0
Шу жумладан:	
Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	4.7
Истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш	5,7
Давлат капитал маблағлари (Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	13.0
Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти юк обороти	13,6
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда (республика қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	10.4
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	3.5
Иш ҳақи фонди (республика қарамоғидаги хўжаликлар бўйича)	5.1
Аҳоли жон бошига ижтимоий истеъмол фондлари	2.9
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	7.2
Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми	8.1
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	6.6
Куни узайтирилган мактаблар (ёки группалар)даги ўқувчилар сони	12.0
Ҳунар-техника ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	6.1
Шу жумладан:	
Умумий ўрта маълумот ва касб берувчи ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш	11.5
Ўрта махсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	1.0
Олий ўқув юртларига студентлар қабул қилиш	1.0
Касалхоналардаги ўринлар сони	4.1

1981 йилда маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 5.95 миллион квадрат метр ҳажмида бўлган уй-жойлар қурилсин.

3-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1981 йилги Давлат планининг бажарилиши жараёнида социалистик мусобақани авж олдириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш, партия қарорларига мувофиқ хўжалик юритиш механизмини, экономикага раҳбарлик қилиш усуллари ва методларини такомиллаштириш, барча ички резервларни сафарбар этиш асосида меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва иш сифатини яхшилаш тадбирларини кўриш ҳамда зарур бўлиб қолган тақдирда план топшириқларига аниқликлар киритиш топширилсин.

4-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар киритган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 11 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советн томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва харажатлар бўйича жами 5878900 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларидан олинадиган даромадлар — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, фойданинг эркин қолдиғи, фойдадан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадлар — жами 5016339 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой-коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни пул билан таъминлашга қилинадиган харажатлар — жами 2603202 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирлар — умумий таълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, ҳунар-техника ўқув юртлари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радиоэшиттиришга ҳамда маориф ва маданиятга оид бошқа тадбирларга; касалхоналар болалар яслилари, санаторийларга ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультура соҳасидаги бошқа муассасаларга; пенсиялар ва нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар — жами 3084944 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари ҳамда судларни таъминлаб туриш учун ажратиладиган маблағлар 74461 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги республика бюджети маҳаллий бюджетга ўтказиладиган 1931383 минг сўм миқдоридаги маблағларни ҳам ҳисобга олган ҳолда даромадлар ва харажатлар бўйича 5491325 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

7-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1981 йилги Давлат бюджети ва Тошкент шаҳри ҳамда областларнинг 1981 йилги маҳаллий бюджетлари даромадлар ва харажатлар бўйича 2318958 минг сўм ҳисобида белгилансин, шу жумладан:

	(минг сўм ҳисобида)
Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	212123
Андижон области	170689
Бухоро области	164631
Жиззах области	79922
Қашқадарё области	143549
Наманган области	142235
Самарқанд области	221499
Сурхондарё области	125328
Сирдарё области	77491
Тошкент области	235028
Фарғона области	221861
Хоразм области	100511
Тошкент шаҳри	424091

8-модда. 1981 йилда Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадлари Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Давлат бюджетига ва областларнинг ҳамда Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ажратмалар қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

а) оборот солиғидан: Қорақалпоғистон АССРга — 100 процент, Андижон областига — 57,7 процент, Бухоро областига — 41,1 процент, Жиззах областига —63.2 процент; Қашқадарё областига — 53,4 процент, Наманган областига — 78.1 процент, Самарқанд областига — 27.7 процент, Сурхондарё областига — 65,3 процент, Сирдарё областига — 65,8 процент, Тошкент областига — 38,9 процент, Фарғона областига 57.9 процент, Хоразм областига — 27,7 процент, Тошкент шаҳрига — 22.3 процент;

б), колхозлардан олинадиган даромад солиғидан, қишлоқ хўжалик солиғидан, СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан, пул-буюм лотереялари тушумларидан ҳамда Ўзбекистон «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги корхоналари ва ташкилотларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳамда оборот маблағлари учун бюджетга фойдадан тушадиган тўловлардан — 100 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм областларига — 100 процентдан, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд областларига — 80 процентдан, Фарғона областига — 30 процент, Тошкент шаҳрига — 10 процент.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат планида кўзда тутилган тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун 1981 йилда республика бюджетидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Давлат бюджетига 18643 минг сўм ажратилсин.

9-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги республика бюджети бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдори 34300 минг сўм қилиб тасдиқлансин.

10-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджети ҳамда областлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари бўйича касса оборотидаги нақд пул миқдори 62700 минг сўм қилиб белгилансин, шу жумладан:

	(минг сўм ҳисобида)
Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси бўйича	5200
Андижон области бўйича	5100
Бухоро области бўйича	4700
Жиззах области бўйича	2200
Қашқадарё области бўйича	4200
Наманган области бўйича	4000
Самарқанд области бўйича	6400
Сурхондарё области бўйича	3900
Сирдарё области бўйича	2100
Тошкент области бўйича	7200
Фарғона области бўйича	5900
Хоразм области бўйича	3000
Тошкент шаҳри бўйича	8800

11-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар киритган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 11 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1980 йилги Давлат планининг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги доклади маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1980 йилги Давлат планининг бажарилиши юзасидан зарур чоралар кўраётганлиги қайд этиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётгани хусусидаги масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг киритган таклиф ва мулоҳазаларини, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар шу ҳақда баён қилган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарорларига амал қилиб, бу йилги ва 1981 йилги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган чора-тадбирлар кўриш, бунда пахтачиликни ва саноатнинг база тармоқларини янада ривожлантиришни назарда тутиш билан бир қаторда, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга, уй-жой қурилишини амалга оширишга ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор бериш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 11 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 6.081.938 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 5.969.411 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 112.527 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 11 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ҚЎҚОН ХИМИКЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан илҳомланган Қўқон суперфосфат заводининг ишчилари ва мутахассислари ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Технологиянинг такомиллаштирилганлиги, бир мунча серунум техниканинг ўзлаштирилганлиги минерал ўғит ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини берди, бу эса деҳқонларга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда ёрдам берди.

Қўқон химиклари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага актив қўшилдилар. Улар беш йиллик программадан ташқари 135 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ).

УРХО КЕККОНЕН МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Кекконен 12 ноябрда расмий визит билан Москвага келди.

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Суратда: аэродромда кутиб олиш пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов телефотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ ШАРАФИГА

Мамлакатдаги энг йирик индустриал марказлардан бири Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олмоқдалар. Республика пойтахтидаги фабрика ва заводлар асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тошкентликларни шу шонли ғалаба билан табрикладилар. Шаҳар меҳнаткашлари, партия, совет ва жамоат ташкилотлари намояндаларининг 12 ноябрь куни бўлиб ўтган тантанали митинги шу воқеага бағишланди. Митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин республика партия Марказий Комитети билан ҳукумати пойтахт саноат корхоналари коллективларига ва барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномаси текстини ўқиб берди, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда тошкентликларга янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар Тошкент ишчилари, инженерлари, техниклари, усталари, хизматчилари, барча меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларининг бажарилишига қўшган ҳиссаси ҳақида фахрланиб гапирдилар. Нотиқлар 1976—1980 йилларда шаҳар завод ва фабрикаларида ишлаб чиқариш ҳажми 41,6 процент ўсганлигини, меҳнат унумдорлиги қарийб учдан бир баравар ошганлигини, савдо тармоқларига халқ истеъмол молларини етказиб бериш бир ярим баравардан зиёд кўпайганлигини таъкидладилар. Сифат белгиси қўйилган саноат буюмларини ишлаб чиқариш уч баравар кўпайди, кўплаб электр энергияси, материаллар, хом ашё, меҳнат ресурслари тежаб қолинди. Пойтахт бинокорлари кўпгина янги корхоналар ва цехларни ишга туширдилар, 350 минг кишига мўлжалланган квартираларни фойдаланишга топширдилар, болалар муассасалари, медицина муассасалари, маданий-маиший объектларни қуриб бердилар. Тошкентликлар КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш учун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Шаҳардаги ишлаб чиқариш коллективлари қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришга —йиллик программани 23 декабрда адо этишга, Ватанга қўшимча равишда 10 миллион сўмлик маҳсулот беришга, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб ишлар билан кутиб олишга қатъий аҳд қилганликларини айтдилар.

Митингда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этди. (ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Қорамолларни сўқимга боқиш ва ўстириш Каттақўрғон чорвачилик саноат комплексининг коллективи беш йилликнинг якунловчи йили ва умуман беш йиллик планни муддатидан аввал бажарди.

Комплекс коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, зиммасига оширилган социалистик мажбурият олди. Давлатга йиллик пландан ташқари 800 тонна гўшт топширишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЯНГИ УЛКАН ЗАФАРЛАРГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАҚИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1980 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДЛАР ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат К. Р. РЗАЕВ нутқи

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Барча совет кишилари қатори Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси якунларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг программавий нутқини завқ-шавқ билан кутиб олдилар.

Биз мамлакатимиз халқларининг ягона қардошлик оиласидаги Ўзбекистон ССР съезд олди йилини ва умуман ўнинчи беш йилликни нақадар зўр муваффақиятлар билан туғаллаётганлиги учун ғоят мамнун бўлиб ҳақли равишда фахрланиш туйғуларига тўлиб тошмоқдамиз. Умумий ишга Совет Қорақалпоғистонининг меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон ССРнинг сессия муҳокамасига тақдим этилган 1981 йилги плани билан бюджети республика халқ хўжалигини янада ҳар томонлама ривожлантириш вазифаларига асосан мувофиқ келади.

Иқтисодий ва социал ривожланиш планида Қорақалпоғистон автоном республикасига катта ўрин берилган. 1981 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 6 процент ошириш, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш белгилаб қўйилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳамма турларини, айниқса пахта, шоли, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш ҳажмини ошириш кўзда тутилган. Капитал қурилиш, айниқса уй-жой қурилишининг катта программасини амалга оширишимиз керак. 1981 йилги планда халқ фаровонлигини ошириш масалаларига катта аҳамият берилган.

Айни вақтда бизда бир қанча проблемалар борки, уларни ҳал этишда республика ҳукуматининг ёрдамига муҳтожмиз.

Чунончи, Тахиатош ГРЭСининг қуввати XI беш йилликда Хоразм, Тошовуз областлари ва Қорақалпоғистон АССР халқ хўжалигининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини максимал равишда таъминлай оладиган бўлиши учун 1981 йилги планга ГРЭСнинг бешинчи навбати қурилишини киритишни сўраймиз.

Кейинги йилларда республикада шоликорлик жадал ривожланди. Шу муносабат билан бир қанча шоликор совхозлар территориясидаги сизот сувларни чиқариб ташлаш учун Уст-Юрт коллектори қурилиши жуда зарур бўлиб қолди. Тахтакўпир районидаги Қоратерен кўлида коллектор сувларини Орол денгизига ўтказадиган станция қуриш мақсадга мувофиқдир.

Амударё этакларидаги серҳосил ерлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиддий проблемалар ҳам ҳал этилиши керак.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар. **(Қарсаклар).**

Депутат Г. М. САРКИСОВ нутқи

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари

Ўнинчи беш йилликда республикамиз пойтахтининг халқ хўжалигини ривожлантиришда, катта ва муҳим социал проблемаларни ҳал этишда олға қараб янги катта қадам қўйилди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 7,2 процентга етди. Электроэнергетика, машинасозлик ва металл ишлаш, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ғоят тез суръатлар билан ривожланди. Саноат бирлашмалари ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш — техника базаси анча мустаҳкамланди, неча ўнлаб янги қувватлар ишга туширилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш юзасидан катта программа бажарилди.

Уй-жой қурилишига катта эътибор берилди. Қарийб 4,2 миллион квадрат метр шинам уй-жойлар фойдаланиш учун топширилди. Бу — аввалги беш йилликдагига нисбатан қарийб бир миллион квадрат метр ортиқдир.

Шу билан бирга эришилган муваффақиятларга КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи асосида баҳо берганимизда шаҳар хўжалигининг ҳар бир тармоғига юксак пировард натижаларни қўлга киритиш учун ҳали фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар ҳам борлигини биламиз.

Маҳаллий Советлар меҳнат коллективларининг куч-ғайратини уларнинг активлигини оширишга йўналтиришни, социалистик мусобақани кенг авж олдиришни, илғор тажрибани бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаб, кенг ёйишни халқ бойлигини авайлаб сақлашни, ресурслардан оқилона фойдаланишни ўз вазифаси деб ҳисоблайдилар.

Мен республиканинг 1981 йилги плани ва бюджетини план — бюджет комиссияси ва тармоқ комиссияларининг тузатишлари билан тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлайман.

Шу билан бирга биз баъзи илтимос ва мулоҳазаларимизни ҳисобга олишни сўраймиз. Биз топширилган ҳисоб-китобларга мувофиқ равишда коммунал хўжалик тармоқларига қўшимча капитал маблағ ажратиб беришда шаҳарга кўмаклашишни илтимос қиламиз. Пойтахтда шаҳар хўжалигининг барча объектларини капитал ремонт қилиш учун ягона ремонт-қурилиш ташкилотини тузиш пайти келган. Шаҳар ижроия комитетининг уй-жойларни капитал ремонт қилиб фойдаланишга топшириш иши билан шуғулланувчи ташкилотларига уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилашда ёрдам бериш керак, шаҳар территориясининг санитария ҳолатини яхшилаш учун етарли миқдорда ихтисослаштирилган автотранспорт ва механизмларни ажратиб бериш лозим. **(Қарсаклар).**

Депутат А. РУСТАМОВ нутқи

Фарғона область ижроия комитетининг раиси

Барча совет кишилари билан биргаликда Фарғона областининг меҳнаткашлари ҳам партиямиз билан ҳукуматимизнинг сиёсатини тўла-тўкис маъқуллайдилар, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини, СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг материалларини астойдил қўллаб-қувватлайдилар, уларни иш самарадорлиги ва сифатини янада оширишнинг конкрет программаси деб қабул қиладилар.

Кейинги йилларда мамлакатда рўй берган катта-катта ўзгаришлар областимиз мисолида яхши кўриниб турибди. Беш йиллик бошланганидан бери саноат ишлаб чиқариши хажми ўсди. Бир миллиард сўмликдан зиёд асосий фондлар ишга туширилди, бир миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланиш учун топширилди, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва поликлиникаларни қуриб битказиш планлари ошириб бажарилди. Қишлоқ турмуши маданиятини ошириш соҳасида анчагина иш қилинди.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари пахта тайёрлаш юзасидан туғалловчи йил учун белгиланган топшириқларни ва умуман беш йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Областда ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида чорвачиликни ривожлантириш учун бир талай иш қилинди.

Шу билан бирга ишимизда камчиликлар борлигини, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун резерв ва имкониятлардан фойдаланилмаётганини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Муҳокамага тақдим этилган республиканинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани билан бюджети лойиҳалари СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган ҳужжатлар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида ишлаб чиқилган. Бу планлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантиришни, республика аҳолисининг фаровонлигини ҳар томонлама оширишни кўзда тутади. Сўзга чиққан депутатларнинг фикрига тўла-тўкис қўшилиб, мен ҳам мазкур ҳужжатларни тасдиқлашни таклиф қиламан.

Шу билан бирга баъзи бир таклифлар киритишни зарур деб ҳисоблайман. Биз шаҳарларни, район марказларини ва шаҳар типидаги посёлкаларни ободонлаштиришга, мактаблар, болалар муассасалари, даволаш ва маданий-маърифий муассасаларни капитал ремонт қилишга, уларни анжомлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлашга бюджетдан ажратиладиган маблағ кўпайтирилишини сўраймиз. Областда уй-жой қурилиши ҳажми анча катта бўлишига қарамай уй-жой етишмаслиги ҳамон сезилиб турибди. Уй-жой қурилишига капитал маблағ лимитини кўпайтиришни илтимос қиламиз.

Бизнинг қишлоқ районларимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисмидан ҳамон етарли фойдаланилмаяпти. Шу муносабат билан биз республика ҳукуматидан областнинг қишлоқ районларида саноат корхоналарининг филиаллари қурилишини тезлаштиришни тегишли министрликларга топширишни сўраймиз.

Фарғона областининг меҳнаткашлари якунловчи йил ва умуман беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар. **(Қарсаклар).**

Депутат Ҳ. Б. ЖАМОЛОВ нутқи

Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Бухоро меҳнаткашлари маҳсулот реализация қилишнинг умумий ҳажми юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганликларини Олий Совет сессиясига қувонч билан маълум қиламиз. Йил охиригача беш йиллик пландан ташқари 70 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилинади.

Кейинги йилларда шаҳарда қурилиш ва ободончилик ишларининг катта программаси амалга оширилди. Юз минглаб квадрат метр уй-жой, мактаблар, болалар боғчаси ва яслилари, касалхоналар, поликлиникалар ишга туширилди. Нон заводи, Бухоро тўқимачилик комбинатининг, зардўзлик, пойафзал фабрикаларининг янги қувватлари ишлай бошлади. Технология институтининг ўқув-лаборатория корпуси, «Гулистон» меҳмонхонаси, маданият саройи ва бошқа кўпгина маданий-маиший объектлар фойдаланиш учун топширилди. Водопровод ва канализация тармоғи анча кенгайди. Шаҳар меҳнаткашларининг унумли меҳнати ва маданий дам олиши учун шароит яратилмоқда.

Шу билан бирга ишимизда муваффақиятлар билан бирга бир қанча камчиликлар, нуқсонлар ва фойдаланилмаётган резервлар бор. Айрим корхоналар планнинг бажарилишини таъмин этмаяптилар, моддий ресурсларни хўжасизларча ва тежамсиз сарфлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмаслик сингари фактлар тугатилмаган. Ишга тушириладиган объектлар қурилишида қолоқликка йўл қўйилди. Мана шу камчиликларни тезроқ тугатиш шаҳар партия ва Совет органларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Бухорони иқтисодий ва социал ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга имкон берадиган бир қанча таклифларни киритмоқчиман. Планларни узил-кесил ишлаб чиқиш вақтида уй-жой қурилишига, район қозонхонасини қуришга, маданий-маиший объектлар барпо этишга қўшимча капитал маблағ ажратилиши кўзда тутилса, соз бўлур эди. **(Қарсаклар).**

Депутат Н. МАННОПОВ нутқи

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари

Мен Тошкент самолётсозларининг кўпминг кишилик коллективи номидан сессия муҳокамасига қўйилган республикамизни ривожлантиришнинг 1981 йил плани ва бюджетини тўла-тўкис маъқуллайман. Давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилиши республикамиз Тошкент шаҳри, Ҳамза районининг меҳнаткашлари ва шу жумладан Тошкент самолётсозлари олдида турган иқтисодий, социал-сиёсий вазифаларни ижодий тарзда ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида яшнаб турган кўп тармоқли қудратли индустрияга эга бўлган ўлкага айланди. Республикада саноатнинг юздан ортиқ тармоғи ишлаб турибди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг 1500 корхонасида ўн тўққиз кун ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 1937 йилда тайёрланган саноат маҳсулоти миқдорига баравардир. Бу эса қалбимизга қувонч ва буюк ифтихор бахш этади.

Бирлашмамизнинг меҳнаткашлари катта вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Самолётсозлар беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Бизда меҳнат унумдорлиги икки баравар ортди.

Партиямизнинг меҳнаткашлар турмуш даражасини оширишдан иборат асосий вазифасини бажариш соҳасида кўп иш қилдик. Кейинги икки йил ичидагина 9500 квадрат-метр уй-жой, учта ётоқхона, куёв-келинлар учун тўққизта уй, олтита мактабгача тарбия муассасаси фойдаланиш учун топширилди. Муҳташам Маданият саройи ишга туширилди. Авиасозларнинг иш ҳақи 14 процент кўпайди.

Оммавий социалистик мусобақа, партия ва жамоат ташкилотларининг, ишлаб чиқариш командирларининг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлари, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг қаҳрамонона самарали меҳнати коллективимизнинг муваффақият қозонишини таъминлади. Неча минглаб ишчилар шахсий беш йиллик топшириқларини бажардилар ва ҳозирги пайтда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Мен икки беш йиллик топшириқларини бажарганлигим тўғрисида рапорт бердим. **(Қарсаклар).**

Депутат А. П. ШЕНДРИК нутқи

Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган катта программавий нутқи бизда чуқур таассурот қолдирди.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили ишнинг ҳар бир участкасида, ҳар бир коллективда, республикамизнинг ҳамма жойларида меҳнатда эришилган янги ютуқлар билан нишонланди. Андижон областининг меҳнаткашлари республиканинг бу ютуқларига муайян ҳисса қўшмоқдалар. Саноат маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилиш планлари таъминланмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йиллик планлар бажарилди. Ватан омборларига 630 минг тоннадан кўп «оқ олтин» топширилди.

Меҳнаткашлар моддий фаровонлигини янада оширишда, халқ истеъмоли моллари етиштиришни кўпайтиришда, транспорт, савдо-сотиқ, алоқани, аҳолига маиший хизмат ва медицина хизматини ривожлантиришда янги-янги муваффақиятларга эришилди, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган кўпгина объектлар қурилди.

Шу билан бирга областнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришда ҳали каттагина резервлар ва фойдаланилмаётган имкониятлар бор. Ишлаб чиқариш программасини, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот таннархини пасайтириш юзасидан топшириқларни ҳамма саноат корхоналари ҳам тўла бажаряпти, деб бўлмайди. Ишлаб турган айрим корхоналар ва янгидан ташкил этилган филиалларнинг қувватидан тўла фойдаланилмаяпти.

Моддий-техника таъминоти масалалари — капитал қурилишда янги проблемалар эмас. Объектларни металл, цемент, лак-бўёқ, ёғоч-тахта ва темир-бетон буюмлар билан таъминлашнинг бузилиши натижасида қурилиш графикларида ҳамда объектларни ишга тушириш муддатларида узилиш бўлиб турибди, қурилиш-монтаж ишлари сифати пасаймоқда, битказилмаган қурилиш ҳажми кўпаймоқда. Бизнинг фикримизча, республика Госплани ва Госснаби КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда иш самарадорлиги ва сифатини оширишга хўжалик механизмининг таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида талаб этилганидек пудрат ишлари планларини моддий-техника ресурслари билан мувозанатлаштириб бормоғи керак. Материалларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун таъминотчи заводларни моддий жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Меҳнат ресурслари анчагина эканлигини ҳисобга олиб, Госплан, республика министрликлари ва идоралари ўн биринчи беш йилликда область индустриясини янада ривожлантиришни кўзда тутишларини сўраймиз.

Андижон сув омбори қуриб битказиляпти, аммо областнинг ирригация тармоқлари реконструкция қилишга муҳтож. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадларида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ўн биринчи беш йилликда суғориш тармоқларини қайта қуришга ҳар йили маблағ ажратиб туришни назарда тутилишини сўраймиз.

Республиканинг 1981 йилги план ва бюджет лойиҳаларини маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. План ва бюджет лойиҳалари КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларга тўла мувофиқ келади. Андижон областининг меҳнаткашлари янги беш йиллик биринчи йилининг топшириқларини муваффақиятли бажармоқ учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар. **(Қарсаклар).**

Депутат Б. ЭЛБОЕВ нутқи

Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси

КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини оғишмай амалга ошириш натижасида Қашқадарё областида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, экономика ва маданиятни юксалтириш, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда жуда катта муваффақиятларга эришилди. Ўнинчи беш йиллик муваффақиятли равишда туғалланмоқда.

Қарши чўлини ўзлаштириш катта программаси область ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга ишимиздаги мавжуд камчиликлардан кўз юмиб ўтолмаймиз. Область бўйича халқ хўжалигини ривожлантириш план ва социалистик мажбуриятлари умуман бажарилган бўлса-да, аммо айрим меҳнат коллективлари мавжуд имконият ва резервлардан тўла-тўкис фойдаланмадилар. Қурилиш ташкилотларида мўлжалдаги объектларни ишга тушириш планларини ўз вақтида бажармаслик ҳоллари учрайди. 1981 йилга мўлжалланган планлар олдимизга масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Областнинг партия, совет ва хўжалик органлари шу планлар сўзсиз бажарилишини таъминламоқ учун ҳамма чораларни кўради.

Олдимизда турган катта вазифалар биздан ишлаб чиқариш кучлари янада ривожлантирилишини, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш борасида қўшимча чоралар кўрилишини талаб қилади.

Аммо область ташкилотлари ана шу проблемалар билан боғлиқ ҳамма масалаларни ҳам бажаришга қодир эмас, уларни ҳал этиш кўп жиҳатдан республика ташкилотларига боғлиқ. Маълумки, областимизда Қарши чўлини ўзлаштириш натижасида янги районлар барпо этилмоқда. Шу районларда ишлаб чиқариш кучлари ва аҳолининг тез ўсиши қурилиш суръатлари жадаллаштирилишини тақозо этади. Ҳолбуки баъзи министрликлар ва идоралар ўз планларида ана шу районларда уй-жойлар, маданий-маиший аҳамиятдаги объектлар қуришни тўлиқ назарда тутмаган. Пландаги объектлар эса жуда суст қурилмоқда.

Капитал қурилиш ҳажмининг тез ўсиши маҳаллий ресурслардан янада тўла фойдаланишни талаб қилади. Область партия комитети ва область ижроия комитети шуни назарда тутиб, қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини белгиламоқда. Жумладан, яқин фурсатда областда 10 та янги ғишт заводини қуриш мўлжалланади. Республика Госплани ва Қурилиш министрлиги шу корхоналар қурилишини планга киритиб, уларни зарур машина-ускуналар билан таъминлашларини сўраймиз.

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари 1980 йил топшириғини, умуман беш йилликни шараф билан бажариб, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб оладилар, деб ишонтиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат А. ХУДОЙҚУЛОВ нутқи

Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раиси

Орденли Самарқанд йилдан-йилга ўсиб, обод бўлиб бормоқда, унинг халқ хўжалиги юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Беш йиллик мобайнида шаҳар саноати пландан ташқари 77,5 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилди. Капитал қурилишга доир катта программа амалга оширилди. Самарқанд химия заводининг, сув хўжалиги қурилиши индустрияси, «Табакферпром» бирлашмаси, нон комбинати корхоналарининг, уйсозлик комбинати биринчи навбатининг, «ВАЗ» автомобиль марказининг янги қувватлари ва бошқа қувватлар ишга туширилди. Янги бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди, тарих ёдгорликларини таъмир қилишга ҳам катта эътибор берилди.

Шу билан бирга биз ўнинчи беш йиллик планининг бажарилиш якунларига танқидий баҳо бериб, айрим саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари планларини уддаламаётганлигини, техника тараққиётига, илғор тажрибани қўлланишга етарли эътибор бермаётганлигини ҳам кўриб турибмиз. Бу масалаларга маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ҳамиша эътибор бериб келдилар ва бундан буён ҳам эътибор бераверадилар.

Биз республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани билан Давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга ўзимизнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимиз ва истакларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Самарқанд — республиканинг жуда катта индустриал, маданий ва тарихий маркази бўлиб, юксак суръатлар билан ривожланмоқда, унинг аҳолиси ҳозирдаёқ ярим миллион кишидан ошиб кетди. Айни вақтда шаҳар уй-жой фондининг катта қисми энг оддий коммунал қулайликлари бўлмаган эски уйлардир. Ҳар йили фойдаланишга топширилаётган янги уй-жойлар ҳатто аҳолининг табиий ўсишини ҳам қоплай олмаяпти. Натижада уй-жой проблемаси ҳамон кескин проблема бўлиб қолмоқда. Бизда янги беш йилликнинг биринчи йилидан бошлаб, уй-жой қурилиши суръатларини икки баравар жадаллаштириш учун ҳозирнинг ўзидаёқ имкониятлар бор. Ваҳолонки, 1981 йилги план лойиҳасида уй-жой қурилишига жуда кам капитал маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Шаҳар инженерлик коммуникациялари — водопровод ва канализацияни, иссиқлик трассаларини, электр таъминоти ва телефон тармоғини янада юксакроқ суръатлар билан ривожлантириш зарур. **(Қарсаклар).**

Депутат М. МАТКАРИМОВ нутқи

Хива район партия комитетининг биринчи секретари

Хоразм областининг меҳнаткашлари съездолди йилини ва умуман беш йилликни экономика ва маданиятни ривожлантиришда юксак кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Областда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 40 процент ошди. Асосий фондларни ишга тушириш топшириғи бажарилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам муваффақиятларга эришилди. Ватан Хоразм пахтакорларидан беш йиллик мобайнида 2 миллион тонна «оқ олтин» олди. Давлатга 214 минг тонна пахта топширган Хива районининг меҳнатчилари ҳам область меҳнаткашларининг бу ютуқларига муносиб ҳисса қўшдилар. Райондаги ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 44 центнерга етказилди.

Республикамиз деҳқонларининг меҳнат ғалабаси муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон меҳнатчиларига йўллаган табрикномаси бизни зўр ҳаяжонга солди, қалбимизни қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Ўзбекистон ССРнинг ушбу сессиясида муҳокама қилинаётган 1981 йилги план билан бюджетда ҳар бир область, ҳар бир районнинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш кўзда тутилган. Биз, Хоразм областидан келган депутатлар республиканинг 1981 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Шу билан бирга область ва районда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги мавжуд имкониятлардан янада оқилона фойдаланиш мақсадида республика ҳукуматидан баъзи бир истиқболли вазифаларни ҳал этишда ёрдам сўраймиз.

Хоразм областида, шу жумладан, Хива районида экинзорларни суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтириш имконияти йўқ. Деҳқончилик учун яроқли ерлар етишмаслигини ҳисобга олиб, биз қумлоқлар ва тўқайларни ўзлаштириш ҳисобига шоликорлик совхозлари барпо этяпмиз. Республика ҳукуматидан янги ерларни ўзлаштириш учун, шунингдек, уй-жой ҳамда маданий-маиший объектлар қуриш учун зарур миқдорда маблағ ва техника ажратишни кўзда тутишни сўраймиз.

Хива шаҳридаги ободончилик билан ва архитектура ёдгорликларини сақлашни яхшилаш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишларининг миқёсларини эътиборга олиб мустақил қурилиш трести тузишни неча марта илтимос қилган эдик. Бу масалани ижобий ҳал этиб беришини сўраймиз.

Хива районининг меҳнатчилари шонли партиямизнинг XXVI съездини, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съездини халқ хўжалигининг барча тармоқларида юксак меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Советига ва республика ҳукуматига ваъда берамиз. **(Қарсаклар).**

Депутат И. У. ҚЎЧҚОРОВ нутқи

Сирдарё область ижроия комитетининг раиси

Шу кунларда Ўзбекистоннинг бутун халқи ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табрикномасидан олган зўр таассурот билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев республика деҳқонларини, барча меҳнаткашларини шонли ғалаба билан табриклади — мамлакат бу йил олти миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» олди.

Сирдарё области қишлоқ хўжалигининг гуркираб ўсиши, саноатни ривожлантиришдаги муваффақиятлар, ишчи ва колхозчиларнинг реал даромадлари кўпайганлиги, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги ва маданий савияси юксалганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳаётбахш ички сиёсати изчиллик билан муттасил амалга оширилаётганлиги самараларидир.

Ўн биринчи беш йилликда экономика яна ҳам тезроқ ривожланиши учун областда мустаҳкам замин яратилган. Катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатда энг йирик ёғ-экстракция заводи, бир қанча чорвачилик комплекслари, пахта тозалаш заводлари ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. Сирдарё ГРЭСида янги қувватлар ўзлаштирилмоқда.

Шу билан бирга областимизда бир қанча камчиликлар борки, булар капитал қурилишда қолоқликка сабаб бўлди. Янги ерларни ўзлаштириш суръатлари паст. Уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, маданий-маиший объектлар қурилишини жадаллаштириш ва сифатини яхшилаш, паррандачиликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш зарур.

Областда пахтачилик умуман яхши ривожланмоқда. Бироқ, айрим даврларда биз техника ва механизмларнинг етишмай қолишини сезяпмиз. Хўжаликлар техникани йилнинг биринчи ярмидан кечикмай олишлари мақсадга мувофиқдир.

Сабзавотни қиш фаслида асраш — яна бир муаммодир. Омборларнинг йўқлиги сабабли бу масала бизда айниқса кескин бўлиб турибди. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги хўжаликлараро сабзавот омборлари қурилишига кўпроқ эътибор бериши керак, деб ҳисоблаймиз.

Областда яхши магистрал йўллар тармоғи мавжуд. Бироқ хўжаликлар ичидаги йўлларнинг аҳволи ёмон. Айни вақтда йўл қурилиш ишлари плани жуда ҳам оз бажарилмоқда. Область қишлоқ хўжалик бошқармасида йўл қурилиши бўлимини тузиш йўли билан мазкур проблемани ҳал этиш мумкин бўлур эди. **(Қарсаклар).**

Депутат Д. Б. НОРМАТОВА нутқи

Тошкент область, Пискент районидаги «Пискент» совхозининг бригадири

Областимизнинг меҳнаткашлари барча совет халқи сингари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ҳамда ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясининг қарорларини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган ёрқин ва мазмунли нутқи партия ва ҳукумат совет кишиларининг фаровонлигини янада яхшилаш, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганлигининг яна бир яққол далилидир. Тошкент области меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг катта ёрдамига таянган ҳолда республикамиз экономикаси ва маданиятини юксалтириш ишига ўз зарбдор меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Область деҳқонларининг 480 минг тонналик пахта хирмонига районимиз пахтакорлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Ватан улардан 52 минг тонна пахта олди. Жами ҳосилнинг 87 проценти машиналар билан териб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 37 центнерни ташкил қилди. Ўнинчи беш йилликда ҳосилдорлик район бўйича 10 процент кўтарилди. Бригадамиз ўз планини 124 процент қилиб бажарди. Давлатга 295 тонна «оқ олтин» топширилди. Гектар бошига ўрта ҳисобда 40 центнердан пахта олинди. Ҳозир далаларимизда келгуси йил ҳосили учун кураш авж олиб кетди. Леонид Ильич Брежневнинг республика пахтакорлари, қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари эришган жуда катта ғалаба муносабати билан йўллаган табриги меҳнатда кучимизга куч қўшди.

Биз Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани ҳамда республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги докладни тингладик.

Мен бу ҳужжатларни тўла-тўкис маъқуллайман ва 1980 йилги планнинг бажарилиш якунларини ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани лойиҳасини тасдиқлашни таклиф қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, мен тегишли ташкилотларнинг раҳбарларидан район марказида 240 ўринли типовой касалхона қуришда бизга амалий ёрдам беришларини сўрамоқчиман.

Ленин партияси белгилаб берган йўлдан ишонч билан қадам ташлаб, жонажон партиямизнинг XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб оламиз. **(Қарсаклар).**

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЯНГИ УЛКАН ЗАФАРЛАРГА!

Депутат А. ЭРГАШЕВ нутқи

Жиззах районидаги «Москва» колхозининг раиси

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумидаги нутқини, унинг республика меҳнаткашларига йўллаган табрикномасини районимиз ва колхозимизнинг барча меҳнатчилари баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Район деҳқонлари партиянинг ленинча аграр сиёсатини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 51 минг тонна пахта сотилди, социалистик мажбурият муваффақиятли бажарилди. «Москва» колхозининг меҳнатчилари съездолди социалистик мусобақасини авж олдириб, қабул пунктларига 13 минг 300 тонна «оқ олтин» элтиб бердилар.

Бизнинг колхозимизда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик сингари тармоқлар ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Ўнинчи беш йилликда ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 4 минг килограмм сут олинди, гўштга топшириладиган қорамолнинг ўртача вазни 450 килограммга етказилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотишни кўпайтириш ҳисобига деҳқонларнинг даромади анча ошди.

Жиззах райони — республикадаги энг кекса районларнинг бири. Биз ирригация-мелиорация ишларининг аҳволи қониқарсиз эканлиги, тупроқнинг инжиқлиги сабабли деҳқончилик маданиятини ошириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтириш ишида катта қийинчиликларга дуч келяпмиз. Сув етишмаслигидан қийналяпмиз. Шу сабабли мен Жиззах машина канали қурилишини ва мавжуд Туятортар каналини реконструкция қилишни тезлаштиришни илтимос қиламан.

Жиззахда кўпдан-кўп янги заводлар, фабрикалар, маданий-маиший объектлар қурилмоқда. Энди район марказини бошқа жойга кўчириш масаласи пайдо бўлди. Учтепа массивида янги район маркази қурилишини тезлаштириш керак.

Колхозимиз правлениеси янги консерва заводининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлади. Бундан ташқари хўжаликда катта теплица комбинати қурилиши керак. Тегишли министрликлардан мана шу объектларни қуришга тезроқ киришишни илтимос қиламиз.

Сессия муҳокамасига киритилган республиканинг 1981 йилги давлат плани ва бюджети лойиҳаларини тўла-тўкис маъқуллайман. **(Қарсаклар).**

Депутат Р. С. ЭРГАШЕВ нутқи

Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари

Республика деҳқонларини, барча меҳнаткашларини бу йил пахтазорда эришилган зўр ғалаба билан муборакбод этган ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табрик сўзлари Ленин йўли райони, бутун Ўзбекистон меҳнатчилари ижодий кучларини янада жўш урдириб юборди.

Ленин йўли райони беш йилликни муваффақиятли тугалламоқда. Саноат корхоналарининг, транспорт, қурилиш ташкилотларининг, маиший хизмат муассасаларининг коллективлари планларни ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Район пахта, дон, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, пилла ва чорвачилик маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди.

СССР Олий Советининг депутати, СССР Давлат мукофоти лауреати Х. Сафаров, КПСС XXV съездининг делегати, область Советининг депутати Турсуной Ашурова, район Советининг депутати Хўжамқул Рустамов бошчилик қилаётган бригадаларда ва бошқа кўпгина коллективларда ўртача ҳосилдорлик 60 центнерга етди.

Меҳнат муваффақиятлари КПСС XXV съезди ўртага қўйган энг муҳим вазифалардан бирини бажариш — меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш имконини беради. Районда ялпи даромад бултургига нисбатан анча кўпайди. Ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 190—200 сўмга, механизаторнинг ўртача иш ҳақи эса 275—285 сўмга етди.

Районда ишлаб чиқарувчи кучларни ўстириш, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун катта имконият ва резервлар бор. Биз мана шу имкониятлардан муваффақиятли фойдаланишга интиляпмиз.

Айни вақтда, баъзи масалалар ҳал этиб берилса, район республика экономикасини ривожлантиришга ғагин ҳам салмоқлироқ ҳисса қўшиши мумкин. Совхозлар қурилишини тезроқ тугаллаш биз, чўлқуварлар учун ҳаётий муҳим масаладир. Аммо, айрим хўжаликлардаги посёлкалар ҳали тугал қуриб битказилмаган, икчи посёлкани қуришга ҳатто киришилгани ҳам йўқ. Бунинг учун қўшимча маблағ керак.

Сизот сувларнинг сатҳи тез кўтарилиб бораётганлиги, уларнинг сатҳини пасайтириш тадбирларига эса етарли маблағ ажратилмаётганлиги бизни ташвишга солмоқда.

Биз республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги плани ва бюджети сессияга тақдим этилган лойиҳаларини тўла-тўкис маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. План ва бюджет лойиҳасида акс эттирилган ишлаб чиқаришни ўстириш, аҳолининг моддий ва маданий даражасини ошириш рақамларида республика партия ташкилотининг миқёси ва аҳамияти жиҳатидан ўтказаётган катта ишлари кўриниб турибди. **(Қарсаклар).**

Депутат К. ЭГАМБЕРДИЕВ нутқи

КПСС XXV съезди номли Наманган аврли газламалар комбинатининг директори

Наманган областининг меҳнаткашлари 1980 йилги ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида янги-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Саноат корхоналарининг, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари беш йиллик якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли уддаламоқдалар.

Комбинатимиз коллективи шойи ва ярим шойи газламалар ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин кўпайтирмоқда. Маҳсулот сифати анча ошди: газламалар умумий ҳажмининг учдан бир қисми давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Комбинатда барпо этилаётган янги корхонада миллий шойи газламалар ишлаб чиқарилади. Янги корхона цехларида созлаш ишлари ва станокларни ишга ҳозирлаш муваффақиятли давом этмоқда, ҳозирдаёқ дастлабки маҳсулот олинди.

Пиллачилик ва пиллакашлик саноати чиқитларидан харидоргир моллар ишлаб чиқариш учун оқилона фойдаланиш мақсадида Наманганда шойи тўқиш фабрикаси қуриш тўғрисидаги масалани ҳал этиш керак бўлур эди. Бундан ташқари уй-жой шароитларини яхшилаш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш ва уларнинг доимий ўрнашиб қолишларини таъминлаш учун биз ўн биринчи беш йилликда районда йилига 40—50 минг квадрат метр уй-жой тайёрлаб берадиган комбинат қурилишини кўзда тутишни илтимос қиламиз.

Республиканинг 1981 йилги Давлат плани ва бюджети КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарори асосида ишлаб чиқилган. Мен депутатлар группаси номидан республиканинг 1981 йилги Давлат плани билан бюджетини маъқуллайман.

Ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, шойи комбинатининг коллективи, Наманган областининг барча меҳнаткашлари 1980 йилги ва умуман ўнинчи беш йиллик давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш, ўн биринчи беш йилликдаги ишларнинг мустаҳкам пойдеворини вужудга келтириш учун ўзларининг куч ва маҳоратларини сарфлайдилар, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оладилар. **(Қарсаклар).**

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг раиси депутат Б. И. ПИНХАСОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси совет жамияти ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган ажойиб ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой бир даврда ўтмоқда.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ғоят сермазмун, инсон тўғрисида зўр ғамхўрлик руҳи билан суғорилган программали нутқини, СССР Олий Совети IV сессияси ҳужжатларини баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Партиянинг халқ фаровонлигини янада юксалтириш учун белгилаган тадбирлари коммунистик қурилиш ишида янги муваффақиятларни таъминлашга қаратилган ана шу улуғвор программани бажаришга Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Совет жамияти сиёсий системасини янада ривожлантиришда, хўжалик ва маданий қурилиш планларини муваффақиятли бажаришда, гражданларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва социалистик жамият қуриш қоидаларига риоя қилишда Совет қонунлари муҳим роль ўйнайди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деган эди: «жамият организмини тўғри ривожлантириш учун аниқ-пухта ишлаб чиқилган қонунлар нақадар катта аҳамиятга эга бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Совет қонунлари умумлаштирилган, жамланган формада халқнинг иродасини, партия ва давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ифода этади, жамиятнинг белгиланган йўлдан боришини таъминлайди».

Жамиятимизнинг бутун ҳуқуқий системасини янада ривожлантириш социалистик давлатчиликни такомиллаштиришнинг, социалистик демократияни янада ривожлантиришнинг, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситасидир.

СССР Олий Совети томонидан «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонуни асослари» қабул қилиниши жуда катта социал-сиёсий аҳамиятга молик бўлди. Бу нарса бизнинг мамлакатимизда бутун қонунчиликни СССР Конституциясига мувофиқлаштириб чиқиш юзасидан олиб борилаётган катта ва кўп қиррали ишнинг таркибий қисмидир. Янги қонун партиямизнинг социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш совет гражданларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, қонунбузарларни қайта тарбиялаш юзасидан самарали чоралар кўриш тўғрисидаги йўл-йўриқларини амалга оширишга қаратилгандир.

Мазкур асосларга мувофиқ, маъмурий жавобгарлик — давлат йўли билан мажбур қилиш акти бўлиб, у социалистик қонунчиликнинг бузилмас принципларига мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим деган қоидага асосланади. Бу принципларнинг моҳияти, ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла-тўкис ва объектив аниқлаб билишдан, уни қонунга аниқ мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, қонунбузарни адолатли тарзда жазолашдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик ҳолларини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашдан, уларнинг олдини олишдан, гражданларни қонунларга ва социалистик жамият турмуш қоидаларига оғишмай риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Мамлакатимизда жуда катта социал-иқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги, ривожланган социализм жамияти барпо этилганлиги, меҳнаткашларнинг онглилиги ва интизомлилиги ошганлиги натижасида республикамизда ҳуқуқбузарлик ҳоллари тўхтовсиз камайиб бормоқда.

Шу билан бирга, совет кишиларининг яратувчилик меҳнатига, хотиржам яшашига ва ҳордиқ чиқаришига баъзида жамоат тартибини бузиш ва бошқа хил ҳуқуқбузарлик тариқасида ҳамон учраб келаётган ва жиноят эмас, балки ножўя ҳаракатлар деб баҳоланадиган фактлар ҳалал бермоқда. Бундай ножўя ҳаракатларнинг энг кўп тарқалган турларига майда безорилик, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашга қаратилган норматив кўрсатмаларни бузиш, майда ўғрилик, майда чайқовчилик, транспорт ҳаракати ва пиёдалар юриш хавфсизлиги қоидаларини бузиш каби ҳолатлар киради. Табиатни қўриқлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида белгилаб қўйилган қонун-қоидаларни бузиш ҳоллари ҳам оз эмас. Масалан, Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигининг ҳайвонларни овлаш ва муҳофаза қилиш ишлари бошқармаси ов қилиш қоидаларини бузганлик учун кўпгина кишилардан штраф ундириб олган. Балиқларни сақлаш инспекциялари эса шу давр ичида балиқ овлаш қоидасини бузган анчагина кишига штраф солган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик жамоат тартибига жиддий, салбий таъсир кўрсатади. Майда ўғрилик, майда безорилик, ичкиликбозлик сингари ҳуқуқбузарликлар жамиятимизга катта моддий ва маънавий зарар етказади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг кўпгина қисми маст ҳолда бўлган шахслар томонидан содир бўлмоқда. Ичкиликбозлик орқасида оилалар бузилиб кетади, корхоналарнинг нормал иш мароми бузилади, спиртли ичимликларни ортиқча истеъмол этиб келаётган кўпгина кишилар пировардида жиноятлар содир қилиш йўлига тушиб қоладилар.

Ана шу ва бошқа хил ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бундай ҳолларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш ишларини тўғри ташкил қилишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Социалистик ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш, қонунларга риоя этилиши устидан контроль ўрнатиш, совет гражданларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида кейинги вақтда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг активлиги анча ошди. Улар социалистик ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал қилувчи давлат органлари системасида етакчи роль ўйнаётганликлари шак-шубҳасиздир. Советларнинг бу соҳадаги фаолиятини янада активлаштиришга КПСС ташаббуси билан Советларни мустаҳкамлаш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг жамоатчилик билан алоқасини кенгайтириш борасида амалга оширилган тадбирлар катта ёрдам берди.

Республикамиз халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг органлари Совет территориясида жойлашган колхозлар, совхозлар, корхоналар ва муассасалар, шунингдек мансабдор шахслар ва гражданлар қонунларга оғишмай риоя қилишлари устидан контроль олиб бормоқдалар, гражданларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, мулкий ҳуқуқлари ва бошқа хил қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминламоқдалар, уларни қонунларга, социалистик жамият турмуш қоидаларига аниқ ва оғишмай риоя этиш руҳида тарбияламоқдалар.

Маҳаллий Советлар социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликка қарши кураш олиб бориш ва уларнинг олдини олиш борасидаги ўз ишларида район, шаҳар Советларининг ижрокомлари ҳузуридаги турли комиссияларга кенг таянмоқдалар. Булар жумласига маъмурий комиссиялар, балоғатга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш олиб борувчи комиссиялар киради. Уларнинг ҳар бири катта тарбиявий, профилактика ишлари олиб бормоқдалар.

Республикамизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг асосий қисми район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан кўрилаётир. Бундай практика келгусида ҳам сақлаб қолинади. Асосларга мувофиқ, бошқа органлар компетенциясига кирмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги барча ишлар бундан буён ҳам мазкур комиссиялар томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг кўпгина ижроия комитетлари маъмурий комиссияларнинг ишлари билан боғлиқ масалаларни ўз мажлисларида мунтазам муҳокама қилмоқдалар, уларнинг фаолиятини яхшилаш чораларини кўрмоқдалар, мазкур комиссияларнинг социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашдаги ролини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу билан бирга, район, шаҳар ижрокомлари ҳузуридаги баъзи бир маъмурий комиссияларнинг фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас: уларнинг мажлислари кўпинча мунтазам равишда ўтказилмаяпти, тегишли материаллар белгиланган муддатлардан кечикиб кўриб чиқилмоқда, бир қатор ҳолларда эса ишларни коллегиал тарзда кўриб чиқиш принципи бузилмоқда (бундай фактларни Жиззах, Бухоро, Сирдарё ва бошқа областларнинг айрим шаҳар, район ижрокомларида учратиш мумкин).

Маъмурий комиссияларнинг иш самарадорлигини ошириш учун Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари мазкур комиссияларга раҳбарлик қилиш даражасини такомиллаштиришлари, комиссия аъзоларининг ҳуқуқий масалаларга оид ўқишини ташкил этишлари, энг яхши комиссияларнинг ижобий иш тажрибаларини вақти-вақти билан ўрганиб ва умумлаштириб, кенг ёйишлари зарур.

Ҳуқуқбузарликка қарши кураш ва унинг олдини олиш — ана шу иш билан махсус шуғулланувчи органларнинггина вазифаси бўлиб қолмай, айни вақтда хўжалик раҳбарларининг, идеология фронти ходимларининг, бутун жамоатчиликнинг ҳам ишидир. Меҳнат коллективларида соғлом маънавий вазиятни вужудга келтирмай туриб, ичкиликбозлик, прогул қилиш, халқ мулкига кўз олайтириш каби ҳолатларни йўқотмасдан туриб, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини барқарор ошириб бориш мумкин эмас. Иккинчи томондан, ишлаб чиқариш маданиятини изчил ошира бориб, илғор технологияни, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг жорий этиш янги кишини, зарарли одатлар ва эскилик сарқитларидан, жамиятга хилоф хатти-ҳаракатлардан халос бўлган кишини тарбиялаш ишини анча енгиллаштиради.

Юксак талабчанлик вазияти вужудга келтирилган, ҳар қандай кичик ножўя ҳаракат ҳам эътиборсиз қолдирилмайдиган, шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиб тарбиявий чоралар кўриб келинаётган меҳнат коллективлари республикамизда оз эмас. Ана шу ишларнинг ҳаммаси кишиларнинг меҳнати ва турмуши учун қулай шароитлар яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан боғлаб олиб борилганида жуда яхши маънавий вазиятни вужудга келтиради ва ҳуқуқбузарлик ҳолларини камайтиришга имкон беради. Бир қанча корхоналарда тузилган ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш кенгашлари ўзини оқламоқда. Бундай кенгашларнинг мажлисларида ишлаб чиқариш участкалари раҳбарларининг ва жамоат ташкилотларининг иш якунлари мунтазам кўриб чиқилмоқда, жамиятга хилоф бўлган хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш чоралари тўғрисидаги ҳисоботлар тингланмоқда.

Бундай ишлар мунтазам олиб борилаётган жойларда ҳуқуқбузарлик ҳоллари кескин камайишига эришилмоқда. Республикамизда бу хусусдаги мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Андижон областидаги 300 корхона, 32 маҳалла комитети, 10 та олий ва ўрта махсус ўқув юртида йил бошидан бери бирон марта ҳам жиноят содир бўлмади. Ҳар томонлама пухта ўйлаб олиб борилган тарбиявий ишлар туфайли В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент областининг Орджоникидзе районидаги бир қатор корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг коллективларида ва бошқа жойларда ҳуқуқбузарлик ҳоллари кескин камайишига эришилган. Қашқадарё областидаги Шаҳрисабз районида қонунни бузиш ҳолларини тугатишда анча муваффақиятлар қўлга киритилган.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишида ёшларни ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш алоҳида ўрин тутмоғи лозим. Содир бўлган ҳар бир ножўя ҳаракат учун жазо чораларининг таъсирини, ошкоравийлигини ва мажбурийлигини кучайтириш огоҳлантириш ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир.

В. И. Лениннинг бу борадаги кўрсатмаси ҳаммамизга яхши маълумдир. Қонунларни ижро этиш қандай таъминланади, деган саволга В. И. Ленин: «Биринчидан, қонунни ижро этиш устидан назорат қилиб бориш билан, иккинчидан, қонунни бажармаганлик учун жазо бериш билан таъминланади», деб жавоб берган эди.

Бу кўрсатмалар ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш, социалистик қонунчиликни таъминлаш борасидаги ишимизда амалий қўлланмадир.

Депутат ўртоқлар! Социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириш қонунларни такомиллаштиришда, иттифоқдош республикалар қонунларини жиддий ривожлантириш, шунингдек сифат жиҳатидан тубдан яхшилашда ўзининг конкрет ифодасини топмоқда. Асослар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларини мазкур асосларга мувофиқлаштириб чиқиш билан боғлиқ бўлган ишнинг катта ва аниқ мақсадга қаратилган янги босқичи бошланади. Зотан асослар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни кодификациялаш учун юридик базадир.

Асослар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларнинг принципларини ва умумий қоидаларини белгилаб бериб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида кодекслар ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Халқ депутатлари Советлари, тегишли министрликлар ва идоралар, қонунларни ҳимоя қилувчи органлар олимлар билан кенг жамоатчиликнинг актив иштирокида ана шу асослар негизида жуда муҳим қонун акти ҳисобланган шундай кодекс ишлаб чиқишга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўриш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари зарур. Бундай кодекс маъмурий жавобгарлик белгилаш масалаларини тартибга солувчи норматив характердаги актларнинг анчагина қисмини ўз ичига олади, бу эса маъмурий қонунларни тартибга солибгина қолмай, айни вақтда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, гражданларнинг ҳуқуқларини янада кўпроқ ҳимоя қилишга, давлат ва меҳнат интизомига риоя этишга, қонунларни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга ҳам, шубҳасиз, катта ёрдам беради.

Кодексни тайёрлаш чоғида, афтидан, практикада ўзини оқлаган амалдаги маъмурий-ҳуқуқ нормаларини қўлланиш тажрибасини ҳар томонлама таҳлил қилиш, шунингдек бошқарув органларининг маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш соҳасидаги кундалик иш тажрибаларини ўрганиш лозим, бу эса айрим ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини, мавжуд камчиликларни аниқлашга имкон беради.

Бундай кодексни тайёрлаш мураккаб иш бўлиб, у республикамизда биринчи марта яратилади. Бироқ ҳар бир қоидани ишлаб чиқишга ниҳоятда синчковлик билан ёндашиш республикамизда давлат тараққиётининг ҳозирги босқичидаги социалистик қонунчилик талабларига тўла жавоб берувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексни яратиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Совет давлати социал адолат байроғини баланд кўтариб бормоқда, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам таъминламоқда. Янги қонуннинг қабул этилиши социалистик демократияни янада ривожлантиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, улуғ Ватанимизнинг Ленин партияси байроғи остида коммунизм йўлидан шаҳдам одим ташлаб бораётган барча меҳнаткашлари манфаатларига хизмат қилади. **(Қарсаклар).**

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат М. С. ВОСИҚОВА нутқи

Ўзбекистон ССР юстиция министри

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонун асослари қабул қилинганлиги Коммунистик партия билан Совет давлати В. И. Лениннинг халқ хоҳиш-иродасини ифодаловчи совет қонунчилигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисидаги таълимотини амалга ошираётганликларининг натижасидир.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонун асослари СССР Конституцияси талабларини турмушга татбиқ эта бориб, Совет қонунларининг талабларига риоя этилишини таъминлашда халқ депутатлари Советларининг ролини янада юксак даражага кўтаради.

Қонунларга биноан бошқа органларнинг компетенциясига топширилган ишлардан ташқари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳамма ишлар Қонун асосларига мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан ҳал этилади. Қонун асосларидан маълум бўлишича, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги балоғатга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг фаолияти тобора муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилган органлар системасида район (шаҳар) халқ суди жуда муҳим роль ўйнайди. Судлар маъмурий органларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар хусусидаги ҳаракатлари тўғрисида тушган шикоятларни ўз вақтида ва синчиклаб кўриб чиқишга алоҳида эътибор берадилар.

Жиноятнинг олдини олиш, қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш фаолияти ҳуқуқбузарликка қарши курашни кучайтириш соҳасида судлар ишининг бош йўналишларидан биридир. Юстиция органлари билан судлар ўз фаолиятларини бошқа маъмурий органлар ва касаба союзлари билан мувофиқлаштириб олиб бориш билан бирга маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдаги барча форма ва методлардан самарали фойдаланишга, бу ишда ўртоқлик судларига, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи жамоат пунктларига, меҳнат коллективларидаги жиноятнинг олдини олиш кенгашларига ва социалистик қонунчиликни таъминлаш билан шуғулланувчи бошқа жамоат ташкилотларига ҳуқуқий ёрдам беришга катта эътибор бермоқдалар.

Қонунбузарликнинг олдини олиш ишига комплекс-ёндашиш, бу ишда Конституция ва КПСС XXV съезди қарорлари талаб қилганидек, кенг жамоатчиликнинг актив қатнашиши маъмурий ҳуқуқбузарликни қисқартириш, бора-бора бутунлай тугатиш учун асос яратади.

Ҳар бир корхонада, муассаса ва ўқув юртида, гражданлар истиқомат қиладиган жойларда совет қонунларининг талабларига чуқур ҳурмат билан қараш, уларга оғишмай риоя этиш ва уларни бажариш зарурлигига ишонтириш муҳити вужудга келтирилиши керак.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонун асослари қабул қилинганлиги ҳам ССР Иттифоқининг, ҳам иттифоқдош республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг қонунларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида катта ва масъулиятли вазифаларни ўртага қўяди. Асосларга биноан Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси ишлаб чиқилади.

Мазкур Қонун асосларининг аҳамияти ва моҳиятини батафсил тушунтириш мақсадида ҳуқуқ пропагандасининг барча форма ва методларидан самарали фойдаланиш бошқа маъмурий органлар қатори юстиция органларининг ва судларнинг ҳам жуда муҳим вазифасидир, бундай қилиш барча совет гражданларининг Қонун асослари талабларини оғишмай ижро этишларини таъминлайди. **(Қарсаклар).**

Депутат Н. М. ЖЕЛЕЗНОВ нутқи

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводи слесарларининг бригадири

Барча совет кишилари ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг ишини зўр диққат билан кузатиб бордилар. Шу сессияда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асослари қабул қилинди.

Республика халқ депутатларининг район, шаҳардаги район Советлари ижроия комитетлари ҳузурида, бир қанча жойларда эса посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетлари ҳузурида ишлаб турган маъмурий комиссиялар социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш борасида катта иш қилмоқдалар.

Шу билан бирга бу комиссияларнинг ишида камчилик ва нуқсонлар бор, баъзи халқ депутатлари маҳаллий Советлари эса уларга тегишли ёрдам кўрсатмаётир. Бир қанча жойларда ичкиликбозликка, майда безориликка қарши кураш сусайтириб юборилган. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичадиган, шунингдек спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузадиган кишилар камдан-кам маъмурий жавобгарликка тортилмоқда.

Социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши, шу жумладан майда ўғирликка қарши кураш суст бормоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳоллари ҳамон кўплаб учрамоқда. «Таштекстильмаш» заводидаги қуюв цехини газ ва чангдан тозалайдиган воситалар билан таъминлаш тадбирлари бир неча йилдан бери бажарилмай келяпти, ёғочсозлик цехида чанг тутадиган иншоотлар фойдаланишга топширилмаган. Тошкентдаги ТашТЭЦ, электротехника заводи, тепловоз-ремонт заводи, лак-бўёқ заводи, трактор заводи ва бошқа корхоналар табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузмоқда. Шундай экан, маъмурий комиссиялар қоида бузувчиларга қарши қонунда белгиланган чораларни қўллашлари лозим.

Балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларнинг фаолиятида анча-мунча камчиликлар ва нуқсонлар бор.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонун асосларини қабул қилиш, Ўзбекистон ССР кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш республикада социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ — тартиботни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. **(Қарсаклар).**

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Н. Б. БЎРИХЎЖАЕВ нутқи

Ўзбекистон ССР прокурори

Кейинги йилларда Совет қонунларини тартибга солиш, янгилаш, такомиллаштириш соҳасида жуда катта иш қилинди. Бу ишда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасидаги қонун асослари ишлаб чиқилганлиги ва ССР Иттифоқи Олий Совети томонидан қабул этилганлиги янги салмоқли ҳисса бўлди.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонун асосларида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир чораси қўлланиш вақтида социалистик қонунчиликни таъминлаш мақсадида қонун талабларига риоя этилиши юқори органлар ва мансабдор шахсларнинг мунтазам контроллиги, прокурор назорати билан, маъмурий жазо чоралари бериш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини кенгайтириш билан таъминланади, деб уқтирилган. Бунда СССР Конституциясига биноан халқ депутатлари Советларининг маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши курашдаги роли ошиб бориши таъкидланган.

Турли тарзда ҳуқуқбузарликка нисбатан маъмурий чораларнинг ўз вақтида кўрилиши, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва тугатиш соҳасидаги эҳтиёт чоралари, ҳуқуқий тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, ишдаги кенг ошкоралик социалистик қонунчиликни ва жамоат тартибини янада мустаҳкамлашни таъминлашнинг зарур шартлари эканлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Республика прокуратураси ихтиёридаги маълумотлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни бузиш фактлари, афсуски, ҳамон тез-тез такрорланиб турганлигидан далолат беради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларнинг жуда кўпчилиги коллегиал жамоат ташкилотларида, халқ депутатлари район, шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳузурида тузиладиган комиссияларда кўриб чиқилмоқда.

Бироқ Советларнинг контроллиги заифлиги натижасида маъмурий комиссиялар ва балоғатга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ўз фаолиятида қонунчиликни баъзан бузишга йўл қўймоқдалар.

Маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан қонунга хилоф равишда чиқарилган бир қанча қарорлар ва жаримларни прокурорлар бекор қилишди. Бир қанча мансабдор шахслар йўл қўйилган хилофликлар учун интизом жазосига ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Бироқ асосий вазифа қонун бузиш ҳолларига нисбатан прокурорларнинг чора кўришидан иборат эмас, балки маъмурий жазо чоралари қонунга қатъий риоя қилинган ҳолда кўрилишидан ва бунда қонунни ҳар қандай бузишга мутлақо йўл қўймасликдан иборат.

Бу масалада СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига мувофиқ қонунларга риоя этилишини, давлат ва жамоат тартиби, гражданларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайдиган, ўз территориясида барча давлат ва жамоат органларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасидаги ишини мувофиқлаштириб турадиган ички ишлар органларининг, маъмурий комиссияларнинг, балоғатга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг, уларга ҳисобот берадиган ва маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши курашиши лозим бўлган органларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладиган халқ депутатлари Советлари муҳим роль ўйнайдилар.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асослари, сўнгра эса республика кодексининг (ҳали бу кодекснинг лойиҳаси устида зўр ғайрат билан масъулиятли иш қилиниши лозим) кучга киритилиши, давлат, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятида жамоатчиликнинг актив ёрдами билан қонунларга қаттиқ риоя этилиши республикада ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга шубҳасиз ёрдам беради. **(Қарсаклар).**

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари депутат Г. М. ОРЛОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев давлат қурилиши соҳасида Советлар ишига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Кейинги йилларда барча бўғинлардаги Советларнинг ролини оширишга, уларнинг ҳуқуқлари ва моддий имкониятларини анча кенгайтиришга қаратилган бир қатор конкрет тадбирлар кўрилди, қонунлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Маҳаллий Советларнинг иши, ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида айтганидек, янада жонланиб кетди. Шу йил июнь ойида СССР Олий Советининг учинчи сессиясида қабул қилинган ўлка, область ва округ Советларининг асосий ваколатлари тўғрисидаги қонун партиямиз давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётганлигидан яққол далолат беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Олий Совети Президиуми томонидан тузилган комиссия шу қонунга биноан ва унинг асосида халқ депутатлари область Совети тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлади.

Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган бу ҳужжат СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига тўла мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилди. Унда Советларнинг ва улар ижроия комитетларининг кўп йиллик бой тажрибаси умумлаштирилган ва ўз аксини топган. Лойиҳа ижроия комитетларига ва барча министрликлар ҳамда идораларга юборилган эди. Уни узил-кесил таҳрир қилишда комиссия мазкур ташкилотларнинг таклифлари ва мулоҳазаларини ҳам ҳисобга олди.

Қонун лойиҳаси ҳамма депутатларга тарқатилган. У уч боб ва 61 моддадан иборат. Ҳар бир бобнинг, ҳар бир модданинг ўз номи бор. Бу эса қонундан фойдаланишни осонлаштиради.

Биринчи бобда область Советини сайлашнинг конституцион принциплари ва унинг фаолиятининг асосий қоидалари баён этилган. Унда область Советининг қуйи Советлар фаолиятига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ваколатини, унинг бошқа область Советлари билан ўзаро алоқасини биринчи марта қонун йўли билан белгилаб бериш тавсия этилган, маъмурий-территориал масалаларни ҳал этиш тартиби кўрсатилган, шунингдек область Советининг юқори идорага бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари аниқ ифодалаб берилган.

Республикамизнинг беистисно ҳамма областлари территориясида турли идораларга бўйсунувчи ҳар хил корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар жойлашган. Бундай шароитда барча корхона ва муассасаларнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан бир-бири билан мустаҳкам алоқада ривожланишини таъминлаш, халқ хўжалигини бошқаришнинг тармоқ ва территориал принципларини тўғри ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Шунинг учун ҳам лойиҳанинг қоидалари шу муҳим вазифаларни бажаришга қаратилган. Шу мақсадда лойиҳада қуйидаги қоидани қонунлаштириб қўйиш таклиф қилинадики, бунга кўра халқ депутатлари область Совети ўз ваколатлари доирасида ўз территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайди, ўз территориясида жойлашган ва юқори идораларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг қонунларга риоя қилиши устидан контроллик қилади; уларнинг ер-сувдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш, аҳолига маданий-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб ва назорат қилиб туради. Бу функцияларни амалга ошириш учун қонун лойиҳасида область Советларининг конкрет иш формалари ва методлари белгилаб берилган, уларнинг бошқа зарур ҳуқуқ ва бурчлари баён этилган.

Хуллас, қонун лойиҳаси ҳар бир область Советига планларни тузиш жараёнига ҳам, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ташкил этиш жараёнига ҳам активроқ таъсир ўтказиш учун кенг имконият очиб беради, бу билан бутун халқ хўжалигининг комплекс, бир текисда ривожланиши, экономикани юксалтиришнинг социал тараққиёт билан уйғунлаштириб борилиши таъминланади.

Қонун лойиҳасининг иккинчи боби область Советларининг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг турли тармоқлари ва йўналишларидаги асосий компетенцияларига бағишланган. Планлаштиришда, бюджет-молия ишларида, саноат, қурилишни ривожлантиришда, меҳнат ресурсларидан фойдаланишда, барча социал вазифаларни ҳал этишда область Советининг ваколатларини анча кенгайтириш мўлжалланади.

Масалан, лойиҳада область Советлари областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари таркибида социал тараққиёт соҳасидаги барча тадбирлар комплекси бўйича йиғма бўлимлар ишлаб чиқишлари зарурлиги таклиф этилади. Бу бўлимларда меҳнат шароитини яхшилаш, ходимларнинг малакаси ва касб маҳоратини ошириш, аҳолининг умумий таълим ва маданий савиясини юксалтириш, турар жой ва маданий-маиший турмуш шароитини, медицина хизматини яхшилаш тадбирларини ҳамда социал тараққиёт ва маданият соҳасида бошқа тадбирларни назарда тутиш кераклиги айтилади. Бу тадбирларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, капитал қурилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш вазифалари билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш зарур бўлади.

Лойиҳада, шунингдек, республика қарамоғидаги корхоналар ва хўжалик ташкилотлари фойдасининг бир қисмини область бюджетига бериш назарда тутилади. Эндиликда область бюджетининг даромадлар қисмини тузишда иттифоққа бўйсунувчи корхоналар ва хўжалик ташкилотлари ҳам қатнашади. Бу маблағларни, шунингдек область бюджетини бажариш чоғида олинадиган қўшимча даромадларни ҳамда даромадларнинг харажатлардан ортиқ суммасини Советлар область хўжалигини ва социал-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлашга сарфлай оладилар. Буларнинг ҳаммаси область Советларининг моддий имкониятини оширади.

Қонун лойиҳасида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида қўшимча хом ашё ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш борасида область Советларининг роли ва масъулиятини оширишга муҳим ўрин берилган.

Партия органларининг раҳбарлигида республика маҳаллий Советлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, унинг тармоқларини саноат асосига кўчириш, уларни янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар.

Қонунда область Советининг партия аграр сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари батафсил белгилаб берилган. Қонун лойиҳасида Советлар зиммасига ижтимоий хўжаликка раҳбарлик қилишдан ташқари, корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида ҳамда колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш вазифаси ҳам юкланади. Маълумки, ёрдамчи хўжаликларда озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришнинг катта резерви ва манбаи мавжуддир. Бу соҳада бизнинг Советларимиз ва уларнинг ижроия комитетлари кўп иш қилишлари мумкин ва керак. Томорқа ери бўлган ҳар бир меҳнаткашнинг озиқ-овқат маҳсулотлари яратишда актив иштирок этиши — мева ва сабзавот етиштириши, чорва ва парранда боқишини таъминлаш учун катта тарбиявий ва тушунтириш ишлари олиб бориш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш лозим.

Бу конкрет иш соҳаси бўлиб, Советлар бу соҳада амалий иш олиб боришлари керак.

Республикамизнинг деҳқончилик шароитида ирригация ва мелиорация ҳал қилувчи роль ўйнаши сабабли, қонун лойиҳасида область Советининг шу соҳадаги ваколатини белгилаб берадиган махсус моддалар бўлиши таклиф этилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида лойиҳада область Советларининг шу муҳим иш соҳасидаги вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари таърифлаб берилган.

Қонун лойиҳасида уй-жой, коммунал хўжалик, ободончилик, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, халқ маорифи, маданий-оқартув ишлари, соғлиқни сақлаш ва физкультура, социал таъминот, социалистик қонунчиликка оғишмай риоя қилиш соҳасида область Советининг ваколатлари аниқ, қатъий ва конкрет тарзда белгилаб берилган.

Совет кишиларининг турмуш шароитини яхшилашга бағишланган барча моддалар Коммунистик партиянинг асосий мақсадини — ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун, деган шиорни амалга оширишга қаратилгандир. Бу моддаларнинг моҳияти ва мазмуни партиямиз руҳига, КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган вазифалар ва талабларга мос келади. Бу моддалар партиямизнинг экономикани халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этиш томон кескинроқ буришни назарда тутувчи иқтисодий стратегиясига асосланади.

Коммунистик қурилиш вазифалари мураккаблашиб ва ўсиб бораётган ҳозирги босқичда партиямиз партия ва давлат раҳбарлиги савиясини оширишга ғоят муҳим аҳамият бермоқда. Шу сабабли қонун лойиҳасида область Совети ишини ташкил этишга катта ўрин берилиб, учинчи бобнинг ҳаммаси шунга бағишланган, бу боб область Советининг иш услуби, формалари ва методларини такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида область Советининг ваколатларини қонунлаштириб қўйиш, яъни фақат сессиялардагина ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни белгилаб бериш тавсия этилади. Бундай масалалар жумласига: иқтисодий ва социал ривожланишнинг жорий ҳамда перспектив планларини, бюджетни, сайловчиларнинг наказларини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар планининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш ва уларнинг берган сўровларини кўриб чиқиш, ижроия комитетларини, доимий комиссияларни сайлаш, уларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қилиш, бўлимлар ва бошқармалар тузиш, область халқ контроли комитетини тузиш ва шу каби бошқа масалалар киради.

Сайловчиларнинг наказларини бажариш, ижроия комитетларининг Советлар олдида ва гражданларнинг йиғилишларида ҳисобот бериб туришлари каби муҳим нормаларни ва улар ишига оид бошқа муҳим шарт-шароитларни ҳам қонунлаштириб қўйиш таклиф этилади.

Хуллас, ана шу бобнинг моддаларида партиямизнинг Советлар ва улар органларининг меҳнаткашлар оммаси билан узвий алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги, гражданларнинг талаб-эҳтиёжлари, фикр-мулоҳазаларига сезгирлик ва диққат-эътибор билан қараш тўғрисидаги, уларнинг сиёсий ва ижодий активлигини ошириш ҳақидаги талаблари ўзининг яққол ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси Советнинг чинакам халқ ҳокимияти органи бўлишига қаратилгандир.

Бир ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган областларда кундалик вазифаларни оперативроқ ҳал этиш учун республика Олий Совети Президиумининг ижозати билан ижроия комитетларининг раиси, раиснинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва ижроком секретаридан иборат составда ижроия комитетларининг президиумларини тузиш мумкин. Бундай президиумларни Тошкент, Самарқанд ва Фарғона областларида, Тошкент шаҳрида тузса бўлади. Тошкент шаҳар Советига область Советининг тегишли ваколатларини бериш таклиф этилади.

Кейинги йилларда Советлар фаолиятининг яхшиланишига ва улар активлигининг ошишига доимий комиссиялар катта таъсир кўрсатмоқдалар, уларнинг фаолияти тобора янгидан-янги тажриба билан доимо такомиллашиб ва бойиб бормоқда.

Доимий комиссиялар жуда катта кучдир. Республика маҳаллий Советларида ҳозирги вақтда 13 мингдан ортиқ доимий комиссия ишлаб турибдики, уларга 87 минг депутат сайланган.

Шунинг учун, табиийки, лойиҳада доимий комиссияларга бағишланган махсус бўлим бўлиб, унда бу комиссияларнинг асосий иш принциплари, форма ва усуллари таърифлаб берилган. Барча Советлар ва улар ижроия комитетларининг вазифаси доимий комиссияларни Советлар ишига янада кенгроқ жалб этишдан, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва яхшилашдан иборат бўлмоғи лозим.

Лойиҳага «область Советининг депутати» деган махсус бўлим киритилганлиги партиянинг депутат тўғрисида, унинг халқнинг мухтор вакили сифатидаги роли, обрў-нуфузи ва таъсирини кучайтириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далилидир. Бу бўлимда, ҳаммангизга маълумки, Советнинг бутун кўп қиррали фаолиятида депутатнинг ҳуқуқ ва бурчлари таърифлаб берилган. Унда давлат ва хўжалик органлари ҳамда уларнинг раҳбарлари томонидан депутатлар фаолиятининг асосий гарантиялари белгилаб берилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераки, депутатларнинг сайловчилар наказлари асосида тақдим этадиган таклифлари жамоатчилик фикрининг ифодасидир ва аҳолининг талаб-эҳтиёжларини акс эттиради. Бинобарин, биз бу таклифларга диққат билан, юксак масъулият ҳисси билан қарашимиз керак.

Депутатлар ҳақида гапирар эканмиз, шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтиш зарурки, халқ вакилларининг аксарияти ўз депутатлик бурчларини бекаму-кўст ва астойдил бажармоқда, меҳнатда ва жамоат ҳаётида бошқаларга ўрнак кўрсатмоқда. Масалан, қарийб 25 минг депутат ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этди, 1300 депутат эса икки беш йиллик планни бажариб қўйди.

Советларнинг вазифаси ана шундай илғорларнинг тажрибасини кенг пропаганда қилишдан иборат, токи ҳар бир депутат ишлаб чиқаришда илғорлик ролини ўйнасин, ўз Советининг ҳаётида, ўз меҳнат коллективида ғоят актив қатнашсин, партиямиз сиёсатининг актив ижрочиси ва тарғиботчиси бўлсин.

Депутат ўртоқлар! Сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган қонун лойиҳасига, унинг барча моддаларига назар ташлар эканмиз, Советлар жуда ажойиб, батафсил ҳужжатга эга бўладилар, деган хулоса чиқариш мумкин. Бу ҳужжат депутатлар учун, активлар учун мукаммал қўлланмадир. У халқ депутатлари область Совети, унинг барча органлари ўз давлат ҳокимиятини амалга оширишда қўлланадиган қоидалар ва конкрет ҳаракатлар мажмуасидир.

Қонун лойиҳаси коллективчилик, ошкоралик, гражданларнинг давлат ишларини бошқаришда кенг иштирок этиши каби социалистик демократизм принциплари билан суғорилгандир. Мазкур қонуннинг барча қоидаларини сўзсиз бажариш барча халқ депутатлари маҳаллий Советлари ишини янги, янада юксак поғонага, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг IV сессияси белгилаб берган вазифалар даражасига кўтариш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг якунлари ҳамда Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида қаратилган кўрсатмалар муносабати билан республика партия ташкилоти олдида турган вазифалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида муҳокама қилинди, унда шу йил ва умуман беш йилликнинг дастлабки якунлари чиқарилди.

Хўжалик ва маданий қурилишнинг барча тармоқларида республикамиз анча илгарилаб кетди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ютуқларимиз муносиб баҳоланиб, асосий эътибор ҳал этилмаган масалаларга, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш суръатларини яна ҳам жадаллаштириш резервлари ва имкониятларини қидириб топишга қаратилди. Бу йилги планлар ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан бирга, келгуси беш йилликда янада юксак марраларни кўзлаш мақсадида пленум Советлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклади.

Ишонтириб айтамизки, республика халқ депутатлари Советлари янги Қонун билан қуролланиб, партия ташкилотларининг раҳбарлигида ўз вазифаларини яна ҳам активроқ бажарадилар. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига тайёргарлик кўришга, ўн биринчи беш йиллик планлари ҳамда вазифаларини ҳал этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан комиссия сизнинг муҳокамангизга тақдим этаётган халқ депутатлари область Совети тўғрисидаги қонун лойиҳаси шу олижаноб ишга хизмат қилади. **(Қарсаклар).**

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, область боғдорчилик ва узумчилик совхозлар трестининг директори ўртоқ Аҳмедов, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Носиров, область матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Файзиев). Бу область давлатга турли сабзавот сотиш планини 117,8 процент, картошка сотишни 102,1 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 111 процент, хўл мева сотишни 103 процент, узум сотишни 98,5 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 14,4 процент, картошка тайёрлашни 23,4 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 4,1 процент, хўл мева тайёрлашни 4 процент, узум тайёрлашни 18,4 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Самарқанд областидан олиб берилади.

Жиззах области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Боймиров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Исломов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуриддинов, ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг бош директори ўртоқ Аширқулов, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Каримов, область матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Неъматов). Бу область давлатга турли сабзавотлар сотиш планини 129 процент, картошка сотишни 109 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 149 процент, хўл мева сотишни 116 процент, узум сотишни 134 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 22,1 процент, картошка тайёрлашни 15,1 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 2,4 процент, хўл мева тайёрлашни 2 процент, узум тайёрлашни 17,5 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сирдарё областидан олиб берилади.

Тошкент областининг ихтисослашган Тошкент райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Толипов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдувалиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Усмонова, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Иноғомов, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Қўчқорова). Бу район давлатга турли маҳсулот сотиш планини 119 процент, картошка сотишни 100 процент, хўл мева сотишни 162 процент, узум сотишни 116 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 116 процент, картошка тайёрлашни 28,3 процент, хўл мева тайёрлашни 8,1 процент, узум тайёрлашни 8,1 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Самарқанд областининг Булунғур районидан олиб берилади;

Фарғона областининг Ўзбекистон райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Пайғомов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Назаров, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Ғафуров, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Йўлдошев). Бу район давлатга турли сабзавот сотиш планини 114,7 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 153,9 процент, хўл мева сотишни 135,5 процент, узум сотишни 102,2 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 8,5 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 29,2 процент, хўл мева тайёрлашни 14,6 процент, узум тайёрлашни 2 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент областининг Бўка районидан олиб берилади;

Сирдарё областининг Сирдарё райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мирқурбонов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Зуев, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Назаров). Бу район давлатга турли сабзавот сотиш планини 103 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 143 процент, хўл мева сотишни 102 процент, узум сотишни 100,2 процент бажарган, октябрь ойида сабзавот тайёрлашни 35 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 30 процент, хўл мева тайёрлашни 22 процент, узум тайёрлашни 14 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Жиззах областининг Ғаллаорол районидан олиб берилади;

Андижондаги Киров номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг аграр-саноат комбинати (бирлашма бош директори ўртоқ Мирзааҳмедов, аграр-саноат комбинатининг директори ўртоқ Мадёров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қамчиев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Қурбонов). Бу комбинат давлатга турли сабзавот сотиш планини 100 процент, хўл мева сотишни 100 процент, узум сотишни 102,6 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 10 процент, хўл мева тайёрлашни 10 процент, узум тайёрлашни 29 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Нукус ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг «Нукус» совхозидан олиб берилади;

Тошкент область боғдорчилик ва узумчилик совхозлар трестининг Буденний номли ихтисослашган совхози (Тошкент область боғдорчилик ва узумчилик совхозлар трестининг директори ўртоқ Аҳмедов, совхоз директори ўртоқ Нажимов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Атомбоев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Мусақулов). Бу совхоз давлатга турли сабзавот сотиш планини 104,1 процент, картошка сотишни 107 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 169 процент, узум сотишни 102,5 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 39 процент, картошка тайёрлашни 52,8 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 66 процент, узум тайёрлашни 50 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент область боғдорчилик ва узумчилик совхозлар трестининг Ворошилов номли совхозидан олиб берилади;

Жиззах область, Дўстлик районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози (совхоз директори ўртоқ Муликов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Қаршибоев). Бу совхоз давлатга турли сабзавот сотиш планини 5,8 баравар ошириб адо этган, картошка сотиш планини 100 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 134,7 процент, хўл мева сотишни 141,8 процент, узум сотишни 230 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 238 процент, картошка тайёрлашни 53,1 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 22,2 процент, хўл мева тайёрлашни 35,7 процент, узум тайёрлашни 76,5 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Жиззах область Дўстлик районидаги Ленин номли совхоздан олиб берилади;

Андижон область, Москва районидаги «Қизил юлдуз» колхози (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Жўраева, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Турдиалиев). Бу колхоз давлатга турли сабзавот сотиш планини 102,1 процент, хўл мева сотишни 108,3 процент, узум сотишни 106,8 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 20,4 процент, хўл мева тайёрлашни 10,2 процент, узум тайёрлашни 42,1 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қорақалпоғистон АССР, Амударё районидаги Крупская номли колхоздан олиб берилади;

Жиззах область, Жиззах районидаги «Москва» колхози (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Эргашев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Нуриддинов). Бу колхоз давлатга турли сабзавот сотиш планини 288 процент, полиз маҳсулотлари сотишни 204,8 процент, хўл мева сотишни 146,4 процент, узум сотишни 125 процент бажарган, октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашни 155 процент, хўл мева тайёрлашни 7,3 процент, узум тайёрлашни 25 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сирдарё область Сирдарё районидаги Ленин номли колхоздан олиб берилади.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Ж. ҲАСАНОВ нутқи

Андижон область ижроия комитетининг раиси

Партия Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарори, ўртоқ Л. И. Брежнев шу Пленумда сўзлаган ёрқин нутқ ҳар биримизда чуқур мамнуният, фахр-ифтихор ва айни вақтда зўр масъулият ҳисларини уйғотганлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Бутун областда ўнинчи беш йилликнинг социал иқтисодий программасини муваффақиятли адо этиш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўнинчи беш йилликнинг социал-иқтисодий программасини муваффақиятли адо этиш йўлида социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Область меҳнаткашлари шу йил ва умуман беш йилликни муваффақият билан туғаллаётганликларини республика Олий Советига зўр қувонч билан маълум қиламиз.

Республика Олий Советининг муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисидаги қонун лойиҳаси партия давлат, хўжалик ва социал маданий қурилишда Советларнинг ролини ошириш йўлини тутаётганлигини акс эттиради, СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига тўла мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси халқ депутатлари область Советлари ҳамда уларнинг ижроия комитетлари нинг кўп йиллик иш тажрибаларини умумлаштиради, меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп таклифлари ва истакларини назарда тутади.

Қонун область Советларига маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат манфаатлари ва меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб ҳал этиш ҳуқуқини беради. Қонун ҳар бир область Совети ўз ваколатларидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиши, экономика ва маданиятни ривожлантиришга, халқ фаровонлиги юксалишига амалий таъсир кўрсатиш, социал-маиший хизмат, жамоат тартиби ва социал қонунчиликни муҳофаза қилиш масалалари билан доимий шуғулланиш, давлат ишларини бошқаришда меҳнаткашлар иштирокини кенгайтириш тўғрисидаги чуқур ғамхўрликлар билан йўғрилган.

Областимиздан сайланган депутатлар сессия муҳокамасига қўйилган Қонун лойиҳасини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллайдилар ва уни қабул қилишни таклиф этадилар. Бу нарса Советларнинг ролини оширишга, комплекс иқтисодий ва социал-маданий тараққиёт ютуқларининг энг самарали йўлларини танлаб олишда уларнинг актив қатнашишига шубҳасиз ёрдам беради.

Аммо, Советлар фаолиятини янада такомиллаштириш уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришнинг ўзидангина иборат эмаслигини биз яхши биламиз. Бунда амалий-ташкилий ишлар асосий иш бўлиб қолаверади.

Халқ депутатлари Андижон область Совети қабул қилинган қонунга мувофиқ область экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш борасида партия ташкилотлари раҳбарлигида бундан буён ҳам сабот-матонат билан қатъий ишлайверади, деб республика Олий Советини ишонтиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат С. ТОШҚУЛОВ нутқи

Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон ССРнинг халқ депутатлари область Совети тўғрисидаги Қонуни халқ депутатларининг янада муваффақиятли ишлашларига шубҳасиз ёрдам беради. Бу Қонун область Советларининг ҳуқуқини кенгайтиради ва масъулиятини оширади.

Қонун лойиҳаси иқтисодий ва социал тараққиёт комплекс планларини ишлаб чиқишда Советларнинг ваколатлари кенгайтирилишини кўзда тутадики, у шу участка ишини яхшилашга сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади. Биз маҳаллий хўжалик ва социал эҳтиёжларни пул билан таъминлаш учун, шу жумладан тасдиқланган лимитдан ташқари қурилишларга капитал маблағ сарфлаш учун ижроия комитетларига ўз ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилишини ўз вақтида кўрилган чора деб ҳисоблаймиз. Бу нарса меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имкон беради.

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети президиумининг тузилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Президиум муҳим масалаларни янада оператив ҳал этади, қабул қилинган қарорларни контрол қилиб бориш ва ижросини текширишни кучайтиради.

Шу билан бирга қонун лойиҳасига иккита қўшимча киритишни хоҳлардик.

Ўзбекистон ССРнинг халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, район, шаҳар Советлари тўғрисидаги Қонунларида Советлар ўз фаолиятида қандай ҳужжатларга амал қилиб бориши белгилаб қўйилган. Область Совети тўғрисидаги Қонун лойиҳасида шу масала тушиб қолган.

Қонунга область Совети фаолиятини ташкил этиш ҳуқуқий асослари тўғрисида модда киритилишини, унда халқ депутатлари область Совети ўз фаолиятида СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига, мазкур Қонунга, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа Қонунларига, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг қарорлари ва бошқа актларига, СССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари ва қарорларига, СССР ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советларининг қарорлари ва фармойишларига амал қилиши кераклиги кўрсатилсин, деб таклиф қиламиз.

Қонун лойиҳасининг 11-моддасида область Совети юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланиши тўғрисида гап борадию, аммо шу ҳуқуқлар санаб кўрсатилмайди. Бинобарин, бизнингча, моддани «область Совети юридик шахс сифатида» деб аташ мақбул бўлур эди.

Қонун лойиҳасини маъқуллар эканмиз, одамлар тўғрисида ғамхўрлик, область халқ хўжалигини юксалтириш борасидаги фаолиятни муттасил такомиллаштириб бориш ва шу асосда совет кишилари моддий фаровонлиги янада ўсишини таъминлаш, уларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириш ишимизнинг асоси бўлиб қолаётганлигини биламиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Ю. С. ШКРЯБИН нутқи

Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари

Ўзбекистон ССРнинг республика Олий Совети сессиясида кўриб чиқилаётган «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига ҳамда ССР Иттифоқининг «Халқ депутатлари ўлка, область Советларининг, автоном область ва автоном округ халқ депутатлари Советларининг асосий ваколатлари тўғрисида»ги Қонунига тўла мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Тақдим этилган қонун лойиҳасида халқ депутатлари Советларининг ўсиб бораётган роли, уларнинг кенг ваколатлари мустаҳкамланади, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги асосий ҳуқуқлари белгилаб берилган. Айни вақтда унда маҳаллий Советлар ҳуқуқларини амалга оширишнинг конкрет йўллари баён этилади.

Қонунда Советларнинг Иттифоқ ҳамда республика бўйсунишидаги корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабат шартлари белгиланади. Бу хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишга самарали таъсир ўтказади. Советларнинг корхоналар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар улардан план материалларини олиш, уларни кўриб чиқиш ва хўжаликни комплекс ривожлантириш манфаатларига амал қилиб, ўзининг таклифларини киритиш ҳуқуқи қонун йўли билан мустаҳкамланади. Ушбу қоидада республика министрликлари ва идоралари Советларнинг таклифларига эътибор билан муносабатда бўлишлари зарурлиги кўзда тутилади.

Биринчи марта халқ депутатлари Советларига маҳаллий бинокорлик материаллари, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш йиғма перспектив ва жорий планларни ишлаб чиқишгина эмас шу билан бирга тасдиқлаш ҳуқуқи ҳам берилади. Бу халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини таъминлашда область Советининг ролини оширади.

Советларнинг қонун лойиҳасида кўзда тутилганидек, халқ маорифини, фан ва маданиятни, соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасидаги тобора кенг ваколатлари совет кишиларининг ошган маънавий талаб-эҳтиёжларини қондиришда, уларда коммунистик дунёқарашни шакллантиришда, меҳнаткашларни социалистик Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда Советларнинг актив иштирок этишини таъминлаш имконини беради.

«Ўзбекистон ССРда халқ депутатлари область Советлари тўғрисида» Ўзбекистон ССР қонун лойиҳасини Бухоро областининг меҳнаткашлари номидан қўллаб-қувватлайман ва маъқуллайман. **(Қарсаклар).**

Депутат Э. МАДРАҲИМОВ нутқи

Фарғона область Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Советлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалани — Ўзбекистон ССРнинг халқ депутатлари область Советлари асосий ваколатлари тўғрисидаги қонуни лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Бу лойиҳада Советлар фаолиятида, уларнинг ишларини ташкил этишда турмуш синовидан ўтган қоидаларнинг назарий ва амалий асослари баён этилган. Бу қонун лойиҳасининг мазмуни ва руҳи мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ келади. Лойиҳада Советларнинг компетенцияси билан боғлиқ масалалар, уларнинг хўжалик ва социал-маданий қурилишга, маҳаллий турмушга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ваколатлари тўла-тўкис акс эттирилган. Унда жойларда муҳокама давомида айтилган таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинган.

Сессиямизда бу масаланинг муҳокама қилиниши — Коммунистик партия билан Совет ҳукумати халқ депутатлари Советларининг активлигини ошириш масалаларига нақадар катта аҳамият бераётганликларининг яна бир далилидир.

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Фарғона областининг маҳаллий Советларида, ижроия комитетлари ва доимий комиссияларида ҳар томонлама муҳокама қилинди. Шу муҳокама давомида кўпдан-кўп истаклар билдирилди.

Фарғона областидан вакил бўлиб келган депутатлар номидан сессия муҳокамасига тақдим этилган қонун лойиҳасини маъқуллаш ва қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонуннинг қабул қилиниши Совет органларининг, жумладан, область Советларининг фаолиятини янада такомиллаштиришда, уларнинг таъсир доирасини кенгайтиришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат Г. Қ. Ҳайдарова доклади

Депутат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрда бўлган Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани ҳамда СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама этиб, тегишли қарорлар ва қонунлар қабул қилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида экономикамизнинг ҳолати чуқур таҳлил қилинди, хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалар белгиланди, халқ хўжалигини янада ривожлантириш, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўллари белгилаб берилди.

Хўжалик ва маданий қурилиш планларини муваффақиятли бажаришда, Совет жамияти сиёсий системасини янада ривожлантиришда совет Қонунлари муҳим роль ўйнамоқда. Улар социал-иқтисодий тараққиёт ва бутун халқимиз манфаатлари йўлида актив хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизда Қонунларни такомиллаштириш, уларни СССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР Конституциясига, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Фармонларига мувофиқлаштириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда.

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясидан кейин Олий Совет Президиуми бир қанча Фармонлар қабул қилди, бу Фармонлар республика Конституциясига мувофиқ Олий Совет томонидан тасдиқланиши лозим. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан ана шу Фармонлар ҳақида доклад қилишга ижозат бергайсиз.

СССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 7 январда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг «Ер тўғрисидаги қонуни Асосларига ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг сув тўғрисидаги қонуни Асосларига» СССР янги Конституциясидан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Республика Қонунларини ана шу Асосларга ва Конституцияга мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 30 июнда «Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ҳамда «Ўзбекистон ССРнинг Сув тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Фармонлар қабул қилди. Бу Фармонларга кўра республикамизнинг Ер ва Сув тўғрисидаги кодексларига зарур ўзгартишлар киритилди. Кодексларда ер ва сув тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари янги таҳрирда баён этилди, ер ва сув давлат (умумхалқ) мулки эканлиги ҳақидаги моддаларга тегишли ўзгартишлар киритилди. Бунда ер ва сувдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат контролини амалга ошириш, бу тадбирларни ўтказишда жамоат ташкилотлари ва гражданларнинг иштирок этиши, иҳота ўрмонзорлари барпо қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига зарур бўлмаган эҳтиёжлар учун, трубопроводлар, электр линиялари ва бошқа линия иншоотлари қуриш учун суғориладиган, захи қочирилган ерлар ва бошқа ерларни олишни тартибга солувчи моддаларга ҳам ўзгартишлар киритилди. Мазкур кодексларнинг баъзи бир бошқа моддалари ҳам ўзгартирилди.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ўзининг 1979 йил 16 ноябрдаги Фармони билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонуни Асосларига СССР Конституциясидан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритган эди. Айни вақтда иттифоқдош республикаларга ўрмон тўғрисидаги Қонунларини ана шу Фармонга мувофиқлаштириш топширилган эди. Шунга асосланиб. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 29 апрелда «Ўзбекистон ССРнинг Ўрмон тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Фармон қабул қилиб, мазкур Кодекснинг моддаларини СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси талабларига, шунингдек ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Фармонига аниқ мувофиқлаштириб чиқди. Чунончи, Кодекснинг ўрмонларни иҳота группалари ва категорияларига ўтказиш, бир группадан иккинчисига кўчириш тартибини белгилаб берувчи моддасига зарур ўзгартишлар киритилди. Ўрмон муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги компетенция масалалари ҳам аниқлаб қўйилди. Ўрмонлардан фойдаланиш қоидаларига оид айрим қисмлар конкретлаштириб чиқилди.

СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси қоидаларига мувофиқ ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари Асосларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1980 йил 12 март Фармонига асосан. шунингдек, республика меҳнат қонунларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 28 августда «Ўзбекистон ССР Меҳнат Қонунлари кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга биноан мазкур Кодекснинг бир қатор моддалари, шу жумладан меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлигини камайтириш масалаларига оид моддалари янги таҳрирда баён этилди. СССРда халқ контроли тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ ушбу Кодекс халқ контроли органлари топшириқларини бажариш чоғида ишчи ва хизматчиларга гарантиялар бериш тўғрисидаги янги модда билан тўлдирилди. Бундан ташқари, юқоридаги Фармонга биноан, мазкур Кодекснинг айрим моддалари текстига ўзгартишлар киритилиб, такомиллаштирилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 28 августда «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 44-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида» яна бир Фармон қабул қилди. Шу модданинг аввалги таҳририда республика ва маҳаллий аҳамиятга молик археология ёдгорликларини қазиш ва разведка қилиш учун рухсатномалар (очиқ варақалар)ни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан келишиб туриб, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги беради, деб белгилаб қўйилган эди.

Республикамизда археология тадқиқотларини аслида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти амалга оширишини эътиборга олиб, янги қабул қилинган Фармонга биноан археология ёдгорликларини қазиш ва разведка қилиш ишлари учун рухсатномалар (очиқ варақалар)ни бериш ҳуқуқи эндиликда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ихтиёрига топширилган бўлиб, улар Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида рўйхатга олинади. Қабул қилинган Фармон ССР Иттифоқи Қонунларига батамом мувофиқдир.

СССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 14 апрелда «Автомобиль йўлларини қуриш ва уларни ремонт қилишда колхозлар, совхозлар, саноат, транспорт, қурилиш ташкилотлари ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги 1958 йил 26 ноябрь Фармонига тегишли ўзгартишлар киритди. Ана шу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳам 1980 йил 30 октябрда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Маҳаллий автомобиль йўлларини қуриш ва ремонт қилишда давлат ҳамда кооператив корхоналари ва хўжалик ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги Фармонининг 1-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида» янги Фармон қабул қилди. Бу Фармонга кўра, унда санаб кўрсатилган корхоналар ва ташкилотлар маҳаллий автомобиль йўлларини қуриш, ремонт қилиш ва сақлашда ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажмининг ёхуд шу корхоналар ва ташкилотлар (совхозлардан ташқари) бажарган иш ҳажмининг ёки кўрсатган хизматнинг кўпи билан 0.3 проценти миқдорида пул бадаллари ўтказиш йўли билан иштирок этадилар, деб белгилаб қўйилди, Натижада шу корхона ва ташкилотлар мазкур Фармон қабул қилингунча юқорида айтилган мақсадлар учун тўлаб келган пул бадаллари миқдори анча камайтирилди.

1980 йил 29 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Фармон қабул қилди. Бу Фармон билан республиканинг Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексига СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясидан, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1979 йил 9 октябрь Фармонидан келиб чиқувчи ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Эндиликда Кодексда аёллар билан эркакларнинг оилавий муносабатлари тўғрисидаги, оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш, ота-оналар ва болаларнинг бурчлари ҳақидаги қоидалар янада аниқроқ таърифлаб берилди, никоҳдан ажралиш чоғида эр-хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши, оталикни белгилаш масалалари ва шу каби бошқа масалалар янада ойдинлаштириб қўйилди.

СССР ва Ўзбекистон ССРнинг тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалари, шу жумладан совет гражданлари билан чет эл гражданлари ўртасидаги оила-никоҳ муносабатларини тартибга солиш эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, Кодекснинг совет Қонунларини, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги Қонунларини чет эл гражданлари ҳамда гражданлиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланиш тўғрисидаги бўлими янгича баён этилди. СССР ва Ўзбекистон ССРда чет эл давлатларининг Қонунларини ҳамда халқаро шартномаларни қўлланиш тартиби аниқлаб берилди.

«Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида» 1969 йил 6 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонунига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилди.

СССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 28 апрелда «Номусга тегканлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 1962 йил 15 февралда қабул қилган Фармонига ўзгартишлар киритиб, унда ана шундай жиноят аломатларини конкретлаштириб, янада аниқроқ баён қилиб берди. Ана шуни назарда тутиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳам шу йил 30 июнда Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 94-моддасига зарур ўзгартишлар киритди ҳамда мазкур Кодекснинг баъзи бир бошқа моддаларини аниқроқ баён этди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 30 июнь куни республика Жиноят-процессуал кодексига ҳам шу Фармондан келиб чиқувчи ўзгартишлар киритди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми СССР қонунларига асосланиб, 1980 йил 30 октябрда янги Фармон қабул қилди ва бу Фармон билан республика Жиноят кодексининг кишилар соғлиғига ёки денгиздаги жонли ресурсларга зарар келтирадиган моддаларни ёхуд бошқа чиқинди ва материалларни йўқотиб юбориш мақсадида ғайри қонуний равишда денгизга ташлаганлик учун, шунингдек денгизни кишилар саломатлигига ёки денгиздаги жонли ресурсларга зарар келтирадиган моддалар билан ифлослаганлик учун жавобгарликни белгилаб қўювчи моддалари янги таҳрирда баён этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 30 октябрда қабул қилган Фармони билан «Ўзбекистон ССР Қонунларини, Ўзбекистон ССР Олий Совети қарорларини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми чиқарган фармонлар ва қарорларни эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги 1958 йил 12 июль Фармонига Ўзбекистон ССР Конституциясидан ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Регламентидан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Бу Фармонда белгилаб қўйилишича, Ўзбекистон ССР қонунлари, республика Олий Советининг қарорлари ва бошқа актлари, Олий Совет Президиумининг фармонлари ва қарорлари улар қабул қилинганидан кейин ўн кунлик муддатдан кечиктирмай ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон АССРда эса, шунингдек, қорақалпоқ тилида эълон қилинади. Умумий норматив характерида бўлган Қонун актлари шу актлар эълон қилинганидан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради, Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки Олий Совет Президиуми шундай актни қабул қилаётганида уни амалга киритишнинг бошқача муддатини белгилаб қўйган ҳоллар бу ҳисобга кирмайди. Қабул қилинган норматив характердаги актлар қаерда эълон этилиши Фармонда белгилаб қўйилди, бошқа баъзи масалалар аниқлаб берилди.

Юқорида баён этилган фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли қонунларнинг лойиҳалари сизларга тарқатилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети адвокатура тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этди. Бу лойиҳа Олий Совет Президиуми томонидан хулоса бериш учун республикамиз Олий Советининг Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясига топширилди. Комиссия бу лойиҳани ўрганиб чиқиб, уни маъқуллади ва Олий Совет муҳокамасига киритишни тавсия этди. Лойиҳа умумиттифоқ Қонуни нормаларига батамом мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги қоидаларни янада ривожлантиради ва тўлдиради. Бу лойиҳада адвокатлар коллегиялари аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб қўйилган ва адвокатлар гражданларга ҳамда ташкилотларга кўрсатадиган юридик ёрдам турлари санаб ўтилган. Лойиҳада адвокатларнинг судда, арбитражда ва бошқа давлат органларида гражданлик ишлари ҳамда жиноий ишлар юзасидан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан вакиллик қилиш формалари ҳам белгилаб берилган. Дастлабки тергов олиб боришда адвокатларнинг иштирок этиш ҳуқуқи кенгроқ баён этилган. Қонун лойиҳасида кўрсатиб ўтилганидек, адвокат Қонунда ўзига берилган ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш чоғида СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлари талабларига қатъий амал қилмоғи, гражданларнинг ҳуқуқлари ва Қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг совет қонунлари билан белгилаб қўйилган барча воситаларидан фойдаланмоғи лозим. Лойиҳада адвокатлар коллегияларининг фаолиятини уюштириш ва уни олиб бориш тартиби, адвокатларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари ва шу каби бошқа масалалар янада батафсилроқ баён этилган. Низом лойиҳаси СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига, Адвокатура тўғрисидаги Иттифоқ Қонунига батамом мувофиқ бўлиб, Коммунистик партиянинг социалистик демократияни янада ривожлантиришга, совет ҳуқуқ-тартиботини сақлаш ишини кучайтиришга қаратилган йўлини акс эттиради. Адвокатура тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Қонун ҳамда шу Низом текстининг лойиҳалари сизларга берилган.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 29 апрелда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика давлат комитетлари рўйхатини белгилаб берувчи 27-моддасига қўшимча киритиш ҳақида Фармон қабул қилди. Бу Фармон ҳам Олий Совет томонидан тасдиқланмоғи керак. Шу масалага оид Қонун лойиҳаси ҳаммангизда бор.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми муҳокамангизга тақдим этилган Ўзбекистон ССР қонунлари лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни тасдиқлашни сўрайди. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд этадики, КПСС XXV съезди қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларга мувофиқ бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон ССРда ҳам социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, янги кишини камол топтириш, барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик, коммунизмга садоқат руҳида тарбиялаш ишлари амалга оширилмоқда.

1980 йил 23 октябрда СССР Олий Совети ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида қабул қилган Қонуни асослари Коммунистик партия ва Совет давлатининг социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва Қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш тўғрисида кўрсатиб келаётган ғамхўрлигининг янги далилидир.

Республикада социал-иқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ўсиб бораётганлиги, меҳнаткашларнинг онглилик ва интизомлилик даражаси юксалганлиги туфайли ҳуқуқбузарлик ҳоллари тобора камайиб бормоқда. Совет кишилари онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, софдиллик, ҳаққўйлик, адолатсизликка, текинхўрликка, тамагирликка қарши муросасиз бўлиш, Қонун нормаларига ҳурмат назари билан қараш каби хислатлар кўпроқ сингиб бормоқда.

Айни вақтда республикада маъмурий жавобгарликка сабаб бўлаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳали ҳам давом этмоқда ва уларга барҳам берилган эмас. Бундай ҳолларга батамом барҳам бериш учун Қонун кучидан, тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаларидан, кенг жамоатчилик ёрдамидан ҳали етарлича актив фойдаланилаётгани йўқ.

Бу муҳим ишни олиб боришда халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, депутатлар, Қонунни ҳимоя қилувчи органлар етакчи роль ўйнайдиларки, уларнинг энг асосий вазифаларидан бири социалистик турмуш тарзимизга ёт бўлган ҳар қандай кўринишларга қарши қатъий кураш олиб боришдан иборатдир.

СССР Олий Советининг ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонуни асосларини амалга киритиш ҳақидаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлигига алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область Советларининг, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетлари зиммасига ҳамма корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, колхозларда, ўқув юртларида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонуни асосларини ўрганиб чиқиш ишини ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, комиссиялар, Қонунни ҳимоя қилувчи органлар, тегишли мансабдор шахслар бу асослар талабларини сўзсиз бажаришларини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш ва уларни йўқотиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тинимсиз иш олиб бориш вазифаси юклатилсин.

2. Ўзбекистон ССР Ички ишлар, Геология, Соғлиқни сақлаш, Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, Савдо, Молия, Энергетика ва электрлаштириш, Юстиция, Автомобиль транспорти министрликлари, Ўзбекистон ССР Балиқчилик хўжалиги давлат комитети, ишларнинг бехатар олиб борилиши устидан назорат қилиб туриш ва кончилик назорати комитети, Ўзсовпроф, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси, Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарлиги, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, «Ўзбекохотриболовсоюз» жамияти ва бошқа ташкилотлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларга оғишмай риоя қилинишини устидан контролликни таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР прокуратураси ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунларнинг ижро этилиши устидан амалий назорат олиб борсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни 1981 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 11 ноябрь, Тошкент шаҳри.

РАСМИЙ АХБОРОТ

МАМЛАКАТ ТЕРРИТОРИЯСИДА ВАҚТНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва шу ресурсларни тежаш мақсадида «СССР территориясида вақтни ҳисоблаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССР Министрлар Совети СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йилда жорий этган ҳамда тегишли соат минтақасига бир соат қўшиб белгиланган Декрет вақтини сақлаб қолиш билан бирга шуни белгилаб қўйдики, 1981 йилдан бошлаб ҳар йили 1 апрель соат 00 да соат стрелкаси қўшимча равишда бир соат олдинга ва 1 октябрь соат 00 дан бошлаб 1 соат орқага суриб қўйилади.

Қабул этилган қарорда республика, ўлка, область ва автоном округда Декрет вақтига нисбатан бир соат эрта вақт амал қилаётганлиги муносабати билан 1981 йил 1 октябрь куни шу территорияларда соат стрелкаси СССРнинг бошқа территориясида бўлгани каби бир соат орқага сурилмайди ва шу тариқа Декрет вақти тикланади. Мазкур территорияларда 1982 йил 1 апрель куни соат стрелкаси умумий тартибда 1 соат олдинга сурилади.

Қабул этилган қарорда Совет Иттифоқи территориясидаги вақт минтақаларининг чегараларига (иттифоқдош республикалар, ўлкалар ва областларнинг янги маъмурий-территориал бўлинишига мувофиқ) аниқлик киритилган.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига вақтни ҳисоблашнинг янги тартибига ўтиш учун зарур тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва бажаришни таъминлаш вазифасини юклади.

Темир йўл, сув, ҳаво ва шаҳарлараро автомобиль транспортининг умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ҳаракати, шунингдек шаҳарлараро телефон ва телеграф алоқасининг иши СССР территориясида Москва вақти билан юритилади.

ДАРЕЛАРНИНГ СУВИ МУСАФФО БУЛСИН

СССР ҳукумати кичик дарёларни ифлосланиш, булғаниш ва қуриб қолишдан асрашни кучайтириш ҳамда уларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССРнинг бошқа министрликлари ҳамда идораларига 200 километргача узунликдаги кичик дарёларнинг сув сатҳини ва улардаги сувнинг мусаффолигини қайта тиклаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, бунда 1981—1985 йилларда мазкур тадбирларни йирик шаҳарлар, саноат марказлари, аҳоли оммавий ҳордиқ чиқарадиган жойлар, ноёб табиий манзарали жойлар ва қўриқхоналарнинг территориялари районларида ўтказишни назарда тутиш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари кичик дарёларнинг сув муҳофаза қилинадиган полосалар (зоналар) тўғрисидаги қоидаларни ишлаб чиқиб, 1981 йилда тасдиқлашни таъминлашлари, мазкур қоидаларда бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шу полосалар (зоналар)даги хўжалик фаолияти режимини, шунингдек уларни тегишли санитария ҳолатида сақлаш учун жавобгарлигини кўзда тутишлари керак.

СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари планларда гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуришни ҳамда кичик дарёларнинг сув ресурслари ифлосланиши, булғаниши ва қуриб қолиши сабабларини тугатишни ва олдини олишни таъминлайдиган бошқа ишларни бажаришни назарда тутишлари лозим.

Колхозларга ҳамда ўз хўжалик фаолияти билан кичик дарёларнинг ҳолатига таъсир қиладиган бошқа кооператив ҳамда жамоат ташкилотларига қулай кичик дарёларнинг сув режимини ва тегишли санитария ҳолатини сақлашга доир сув муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун маблағ ажратиш тавсия қилинди.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ ТАРИФИ

СССР Министрлар Совети автомобиль йўллар тармоғини ривожлантиришни планлаштиришни ҳамда уларни қуриш, реконструкциялаш, ремонт қилиш ва сақлашга ажратиладиган маблағлардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида «СССР автомобиль йўлларининг тарифи тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, СССРнинг ҳамма автомобиль йўллари умумий фойдаланишдаги ёки муайян идорага қарашли автомобиль йўллар деб ҳисобланади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллар иттифоқдош республикалар йўл хўжалиги органларининг балансида бўлади ҳамда умумдавлат аҳамиятига, республика аҳамиятига, ўлка, область аҳамиятига ва маҳаллий аҳамиятга (ўлка, область аҳамиятидан ташқари) эга бўлган автомобиль йўлларга бўлинади. Идораларга қарашли автомобиль йўллар корхона ва ташкилотлар балансида бўлади ҳамда шох, технология, ички хўжалик, хизмат, патрул ва бошқа автомобиль йўлларига бўлинади.

Мазкур автомобиль йўлларни аниқлайдиган кўрсаткичлар тасдиқланди.

Тегишли органларга автомобиль йўлларнинг типовой устави лойиҳасини ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди. Типовой уставда йўл ташкилотларининг, шунингдек автомобиль йўллардан фойдаланадиган корхоналар, ташкилотлар ва гражданларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳайдовчиларнинг меҳнати ва дам олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда йўловчиларга хизмат қилиш мақсадида автомобиль йўлларни обод қилишга нисбатан қўйиладиган талаблар кўзда тутилади.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚОНУНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1980 йил 30 июнда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ СУВ ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРнинг сув тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1980 йил 30 июнда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЎРМОН ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРнинг ўрмон тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1980 йил 29 апрелда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советы Президиумининг «Ўзбекистон ССР меҳнат қонунлари кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1980 йил 28 август Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИНГ 44-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 44-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида» 1980 йил 28 августда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «МАҲАЛЛИЙ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ВА КООПЕРАТИВ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ 1-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Маҳаллий автомобиль йўлларини қуриш ва ремонт қилишда давлат ва кооператив корхоналари ҳамда хўжалик ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги Фармони 1-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида» 1980 йил 30 октябрда қабул қилган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ НИКОҲ ВА ОИЛА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1980 йил 29 апрелда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

«Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1980 йил 30 июнь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1980 йил 30 октябрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1980 йил 30 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ҲАМДА КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қарорлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари ва Қарорларини эълон қилиш ҳамда кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1980 йил 30 октябрда қабул қилган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИНГ 27-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА» ЧИҚАРГАН ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 27-моддасига қўшимча киритиш ҳақида» 1980 йил 29 апрелда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР АДВОКАТУРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1961 йил 30 майда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон ССР адвокатураси тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари, 1961 йил, № 16; 1965 йил, № 10) СССРда адвокатура тўғрисидаги СССР Қонунидан ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясидан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, мазкур Низом янги таҳрирда тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1980 йил 12 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ҚУРИЛИШ САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

Республика қурувчилари ва монтажчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан Наманган аврли газламалар комбинати, Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 400 километрли Шўртон —Сирдарё ГРЭСи газопроводи ишга туширилди. Байрамолди кунларида Андижон ип-газлама комбинати дастлабки маҳсулотни берди.

Республиканинг асосий қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари пудрат ишлари планини қандай бажарганлигини қуйидаги кўрсаткичлардан билиш мумкин:

(процент ҳисобида)

	планнинг бажарилиши		шу жумладан ўз кучлари билан	1980 йил январь— октябри 1979 йил январь —октябрига нисбатан процент ҳисобида
	октябрь	1980 йил январь — октябри		
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги (товар маҳсулот)	108	106	103	—
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	96	101	99,2	102
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	103	105	103	107
«Главташкентстрой»	100,7	103	103	103
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	107	108	104	103
Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети	115	108	102	104
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги	130	112	112	106
«Главсредазирсовхозстрой» (Ўзбекистон ССР территорияси бўйича)	99	100	100,3	102
«Узколхозстрой»	107	104	102	103

Шу билан бирга ишга тушириладиган айрим объектлар, шу жумладан «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наманган химия заводи, Косон шаҳридаги ёғ-экстрация заводи ва бошқа бир қанча объектлар қурилишида қолоқликка йўл қўйилди. Гулистон ва Жиззах сут заводлари, шунингдек енгил саноат, пахта тозалаш, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати, маҳаллий саноат тармоқларидаги ишга тушириладиган бир қанча объектлар қурилишида ишлар сусткашлик билан олиб борилмоқда. Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги ва «Главсредазирсовхозстрой» октябрда ўз кучлари билан қуриш планини бажаришмади.

Ҳозир ишга тушириладиган қурилишларда энг масъулиятли давр бошланди. Министрликлар ва идоралар ишга тушириладиган объектлардаги ишларни кучайтиришлари, буюртмачи министрлик ва идоралар эса ана шу қурилишларни етишмаётган асбоб-ускуналар билан жуда қисқа муддат ичида тўлиқ таъминлашлари, уни ревизия қилиш ва агрегатлаш ишларини тезроқ олиб боришлари, ишлатувчи ходимларни қурилиш, монтаж, ишга тушириш ва созлаш ишларини ниҳоясига етказишга жалб этишлари керак. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қурилишларда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришлари, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари лозим.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, уларнинг қурилиш штаблари ўз мажлисларида қуриб битказиладиган объектлардаги ишларнинг ҳар ўн кунлик натижаларини, зарур бўлиб қолганда эса ҳар куни кўриб чиқишлари ва белгиланган топшириқ ва графиклардан орқада қолишга барҳам бериш юзасидан оператив чоралар кўришлари, ўнинчи беш йиллик якунловчи йилида қуриб битказиладиган барча объектларни, шу жумладан мактаблар, ҳунар-техника таълими ўқув юртлари, болалар муассасалари, даволаш ва бошқа маданий-маиший муассасалар сўзсиз ишга туширилишини таъминлаш учун коммунистлар билан қурилиш барча қатнашчиларининг масъулиятини оширишлари керак.

Уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилишига алоҳида эътибор берилиши лозим, бу эса КПСС Марказий Комитетининг барча партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларига бевосита топшириғи, деб қаралмоғи керак.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

СЪЕЗД ШАРАФИГА

Наманган областининг Поп районидаги «Узбеккровля» комбинатининг изол цехи коллективи ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажарди. Мамлакат қурилишларига йиллик пландан ташқари ярим миллион сўмлик томга ёпиладиган материаллар жўнатилди. Бу ерда меҳнат унумдорлиги пландаги кўрсаткичдан 12.4 процент кўпайди. Иш вақтини тежаш ва бошқа резервлардан унумли фойдаланиш туфайли ана шундай юксак кўрсаткичга эришилди.

Коллектив КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига йил охиригача пландан ташқари яна 450 минг сўмлик томга ёпиладиган материаллар тайёрлаб бериш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқда.

НЕФТЧИЛАР ВАХТАСИ

Андижон нефть конларининг азаматлари шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Истеъмолчиларга пландан ташқари 1000 тоннадан ортиқ нефть, 3 миллион кубометрдан зиёд газ юборилди. Бу муваффақиятларга областдаги «Андижон» ва «Жанубий Оламушук» конларининг меҳнатсевар ишчилари катта ҳисса қўшдилар. Улар съездолди мусобақасида ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Андижон нефтчилари орасида Э. Жабборов ва Ю. Давронов раҳбарлик қилаётган бригада коллективлари меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Андижонликлар йил охиригача пландан ташқари яна юзлаб тонна нефть қазиб чиқаришга сўз бердилар.

МОНТАЖЧИЛАР ЮТУҒИ

Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасида янги технология линияси монтаж қилиб бўлинди. Тошкент «Оргпищепром» бошқармасининг мутахассислари хамиртуруш қўшиладиган мураккаб машина-ускуналарини графикдан деярли икки ой аввал ўрнатиб бўлдилар. Юрий Ордуханов бошлиқ монтажчилар бригадасининг ташаббуси билан ана шу юксак марра барвақт эгалланди.

Линия ҳар соатда 150 килограмм маҳсулот ишлаб чиқара олади. Ҳозир бу линияни созлаш тугалланмоқда. Бу иш тўла-тўкис якунлангандан сўнг республикада биринчи марта қуруқ хамиртуруш чиқариладиган цех тўла ишга тушади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади

Фарғона райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Акбаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сатторов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Исроилов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Мўйдинов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мирзарасулов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Муқаддасов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Сулаймонов;

Амударё райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қурбонбоев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Курбонниёзов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жуманов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Наметов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мадаминов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тожимуротов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Болтабоев;

Балиқчи райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Маликов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Солибоев, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Холмирзаев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Собиров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Хожиев, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Назаров;

Москва райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Турсунов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ашуров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Маҳмудов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Хан, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Обидов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Мўминов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Орипов;

Пахтаобод райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Носиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Обидов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тошмуротов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдумаликов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Абдуллаев;

Хўжаобод райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қодиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Дадабоев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Режапов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Мўйдинов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қосимов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Умирзоқов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Абдукаримов;

Наманган райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Охунов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Тошпўлатов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмадалиев, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Муталиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мамарайимов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Жўрабоева, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Абдуллаев;

Поп райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Сиддиқов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мирзааҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдураззоқов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Долимов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бўриев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Улканов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Худойберганов;

Чуст райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Дадабоев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Пошшахўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ботиров, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Бузрукхонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мирзажонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Жалолова, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Тошбоев;

Ховос райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Сувонқулов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Насуллаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нодирматов, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Пирматов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Алмаматов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тоғаймуротов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Худойбердиев.

Р. 02355. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 261. 4